



TOSHKENT DAVLAT  
SHARQSHUNOSLIK UNIVERSITETI

# O'RGANILAYOTGAN MAMLAKATLAR TILLARINI O'QITISHDA MADANIYATLARARO MULOQOT

O'QUV-USLUBIY MAJMUA

BOSH ILMIY-METODIK  
MARKAZ

2022



TOSHKENT

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



**ОЛИЙТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ**  
**ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ**  
**ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ТИЛ, ТАРЖИМА ВА КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ**

**Ўрганилаётган мамлакат тилларини ўқитишда маданиятлараро  
мулоқот (шарқ тиллари) тингловчилари учун**



**ТОШКЕНТ – 2022**

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Тузувчилар:**

У.Т. Сайдазимова (ТошДШУ, доцент)

Г.А. Юсупова (ТошДШУ, ўқитувчи)

**Такризчилар:**

Ш.Р.Усманова (ТошДШУ, профессор)

Ли Ю Ми (Низомий номидаги ТДПУ, доцент)

## **МУНДАРИЖА**

- I. ИШЧИ ДАСТУР**
- II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРФАОЛ  
ТАЪЛИМ МЕТОДЛАР**
- III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**
- IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ**
- V. КЕЙСЛАР БАНКИ**
- VI. ГЛОССАРИЙ**
- VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6097-сонли Фармонлари, 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сон, 2020 йил 16 апрелдаги «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4680-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

**«Ўрганилаётган мамлакат тилларини ўқитишда маданиятлараро мулоқот (шарқ тиллари)»** модули ўқитилиши жараёнида эгалланадиган билим, малака ва кўникмалар ихтисослик фанлар блокига кирадиган фанлар билан интеграллашуви натижасида тингловчиларнинг чет тили коммуникатив

компетенцияларини (лингвистик, ижтимоий-лингвистик, дискурсив, стратегик, ижтимоий-маданий) ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади, чунки филологнинг касбий компетенцияси назарий фанлар ва асосий чет тили фани ўқитиш мажмуида шаклланади.

Ушбу дастур мазкур курснинг коммуникатив тилшунослик, лингвопрагматика, когнитив тилшунослик, коммуникатив тилшунослик лингвокультурология, назарий грамматика, назарий фонетика каби тилшуносликнинг фундаментал йўналишларини ҳисобга олган ҳолда тузилган. Ушбу замонавий йўналишлари нуқтаи назаридан, матн – кўп поғонали, мураккаб характерга эга тил бирлиги, мулоқотнинг асосий бирлиги ва ижтимоий таъсир этиш асбоби сифатида талқин этилади. Матн лингвистикасида тил ва маданият муносабатлари муҳим аҳамият касб этса, назарий грамматика эса тилнинг тузилиши ва универсалияларини когнитив, прагматик жиҳатдан талқин қилади. Бунда ижтимоий-маданий омил ва миллий дунё тасвири алоҳида ўрин эгаллайди, чунки маданий контекстни назарда тутмаган ҳолда матн моҳиятини мукамал тушуниб бўлмайди, баъзи ҳолларда эса бунинг иложи ҳам бўлмайди.

Ушбу мажмуа янги педагогик техногогиялар ва тилшуносликнинг замонавий йўналишлари асосида тубдан янгиланишни илгари суради ҳамдатингловчиларнинг таълим бериш сифатини кўтариш мақсадида дастурда турли эффектив ва замонавий педагогик технологиялар ишлатилган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Фанни ўқитишдан мақсад** – тингловчиларда «**Ўрганилаётган мамлакат тилларини ўқитишда маданиятлараро мулоқот (шарқ тиллари)**»модулининг методологик тамойиллари, асосий тушунча ва мутахассислик профилига мос билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва такомиллаштириш, ҳамда тингловчиларда матн билан ишлаш малакаларини шакллантириш ва матнни таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиришдир.

**«Ўрганилаётган мамлакат тилларини ўқитишда маданиятлараро мулоқот (шарқ тиллари)» модулининг асосий вазифалари қуйидагилар:**

\*маданиятлараро мулоқот назариясининг юзага келиши: сабаб ва омилларини ўрганиш, юқори ва қуйи контекстли маданиятларни ажрата билиш;

\*маданиятлараро мулоқот муаммолари ва уларнинг ечимини топа билиш;

\*тил, маданият ва коммуникация: ўзаро муносабат масалаларини ёритиб бериш;

\*маданий карахтлик ва адаптация масаласи ҳамда тизими ҳақида тушунчага эга бўлиш;

\*аслият ва таржимада тиллараро ва маданиятлараро ўзаро таъсир ходисаларини таҳлил қилиш;

\*мулоқотга ёрдам берувчи омиллар ва тўсиқларни ўрганиш ва таҳлил қила олиш;

\*ЖОТ тилларини ўқитишда турли маданият вакиллари мулоқотидаги қийинчиликлар, тил ва маданиятнинг ўзаро маданий тузилмаларнинг ўзаро муносабатини аниқлаш ва таҳлил ўтказиш кўникмаларини шакллантириш;

\*инсон онгида акс этган дунёнинг тилда ифодаланиши ва корейс дунёси лисоний манзарасини аниқлаш, тилнинг шахс шаклланишига таъсири масалаларини кенг муҳокама қила олиш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенциясига қўйиладиган талаблар**

Курснинг назарий бўлимининг мақсади маданиятлараро мулоқотнинг асосий муаммоларини мунтазам равишда тақдим этиш, асосий тушунчалар ва терминологияни ўзлаштириш, шунингдек, маданий сезгирликни ривожлантириш, маданиятлараро алоқаларнинг турли ҳолатларида коммуникатив хатти-ҳаракатларнинг ўзига хос кўринишини тўғри талқин қилиш қобилиятидир.

Амалий бўлимнинг мақсади – турли маданиятларда маданиятлараро мулоқот ва коммуникатив услублар жараёнларини ўрганиш; «кўп маданиятчилик» доирасида тингловчиларнинг фикрлаш қобилиятини бошқа

маданиятларга нисбатан ижобий муносабат сифатида шакллантириш, замонавий дунёнинг маданий хилма-хиллиги қадриятларини тан олиш.

**Тингловчи:**

- Маданиятлараро мулоқот тушунчасини;
- Маданиятлараро мулоқот қоида ва стратегияларини;
- Маданиятлараро мулоқот қилиш стратегиясини ўргатишни;
- замонавий глобаллашув шароитида маданий алоқаларни ривожлантириш хусусиятларини гуманитар йўналиш сифатида кўриб чиқиши;
- АҚШ, Ғарбий Европа ва Жанубий Осиё мамлакатларида таълимнинг алоҳида бўлими ва доимий университет курси сифатида маданиятлараро алоқа ривожланишининг асосий босқичларини кузатиши;
- маданиятлараро алоқа назариясида бугунги кунда қабул қилинган асосий тушунчалар ва уларни англлатувчи атамаларни ўзлаштириши (маданият, алоқа, дунёнинг маданий суръати, дунёнинг лингвистик суръати, маданиятнинг туркумланиши; лингвистик шахс, «иккиламчи» лисоний шахс, маданият зарбаси ва бошқалар) ;
- маданий концептлар, лингвокультурема, маънонинг маданият билан боғлиқ бўлаги, маданий муҳим ахборот, лингвокультурологик майдон (поле), лингвокультурологик ҳолат, миллий дунё тасвири ҳақидаги *билимларга* эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- маданиятлараро мулоқот модулининг асосий йўналишлари ва категорияларини англаш;
- маданиятлараро мулоқот модулининг методологик принциплари тамойиллари ва ёндашувларини фарқлаш;
- маданиятлараро мулоқот модулининг терминологик аппарати, қонуниятлари ва асосий тушунчаларини амалий жиҳатдан қўллаш;
  - маълум бир маданиятда ҳукмронлик қиладиган, унинг тарихий ва маданий ўзига хослигини ташкил этадиган ва когнитив, лингвистик (оғзаки) ва



оғзаки бўлмаган даражаларда намоён бўлган кадриятларни, маъноларни ажратиб кўрсата олиш;

– маданиятлараро мулоқот модули бўйича назарий мавзуларни ва эгалланган ахборотни амалиётда қўллаш **малакаларини эгаллаши** зарур;

#### **Тингловчи:**

- мавзуларни таҳлил методларини (лингвистик шарҳлаш, суперлинеар таҳлил методи, семантик, стилистик, концептуал таҳлил, сўз ва матн таҳлилининг статистик, инференция методи, матн таҳлилининг статистик методлари) билиш ва уларни ўқув жараёнида қўллаш;
- модул бўйича эгалланган билим, кўникма ва малакаларни баҳолаш, хулосалар бериш, умумлаштириш ҳамда тадқиқотлар олиб бориш;
- модул бўйича орттирилган малакаларни ўз илмий тадқиқот амалиётида қўллаш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

#### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

ЖОТ тилларида маданиятлараро мулоқот модули модули Чет тил ўқитишдаги замонавий методлар, тил компетенцияларини баҳолаш механизмлари, тилшуносликда тадқиқотлар олиб боришнинг тизимли каби тилшуносликнинг йўналишлари билан ўзаро боғлиқ.

Мазкур модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилади.

Хусусан, интерфаол методларнинг қуйидаги турларидан кенг фойдаланилади:

- гуруҳли музокаралар (group discussions);
- жамоа лойиҳалари (project work);
- жуфтликлар бўлиб топшириқларни бажариш (pair work);
- якка ҳолда маълум мавзу бўйича презентациялар қилиш (individual presentation);

- давра суҳбатлари ўтказиш (round-table discussion);
- инсерт техникаси (Insert technique);
- пинборд техникаси (Pinboard);
- кейс- стади (case-study);
- ақлий ҳужум методи (brainstorming).

Шунингдек, фанни ўқитишда замонавий ахборот технологияларидан ҳам кенг фойдаланилади, жумладан:

- мультимедиа ёрдамида машғулотлар ташкил этиш,
- Power Point дастури ёрдамида презентациялар ташкил қилиш, компьютерда тестлар ўтказиш.

### Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Хорижий тилларни умумевропа ҳамда миллий стандартлар талаблари асосида ўқитишнинг лингвистик аспекти ўқув модули яратишни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти

	Модул мавзулари	Аудитория ўқув юкلامаси		
		жами	жумладан	
			Назарий	Амалий машғулот
.	Маданиятлараро мулоқотнинг шаклланиши ва ривожланиши, унинг мақсади ва вазифалари	2	2	
.	Тил, маданият, маданиятлар типологияси ва коммуникация. Коммуникатив фаолият	2	2	
.	Коммуникатив фаолият даражалари ва коммуникация турлари. Вербал ва	2	2	

	новербал коммуникация воситаларининг талқини			
.	Маданиятлараро мулоқот жараёнларининг тадқиқи	2		2
.	Шахс, миллий ва ҳудудий характер, стереотиплар, гендер, ёш ва дискурс хусусиятлари	2		2
	Кодлар аралашуви ҳамда интерференсия масалалари. Ўрганилаётган тилни ўқитишда турли маданият вакиллари мулоқотидаги қийинчиликлар	2		2
	Маданиятлараро мулоқотда муҳим аҳамият касб этган маданиятга мослашиш	2		2
	Маданиятлараро тўсиқлар ва тўқнашувлар, маданий ва лисоний шок ҳодисалар	2		2
	<b>Жами:</b>	<b>16</b>	<b>6</b>	<b>10</b>

## ЎҚУВМАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-мавзу. Маданиятлараро мулоқотнинг шаклланиши ва ривожланиши, унинг мақсади ва вазифалари

Маданиятлараро мулоқотнинг асосий тушунчалари маданият ва мулоқотдир. Миллий маданият ва халқаро алоқа.

Маданиятлараро мулоқотни билимларнинг алоҳида тармоғи сифатида ва АҚШ, Ғарбий Европа ва Россияда классик университет курси сифатида шакллантиришнинг асосий босқичлари.

Маданият ва ўзини тутиш. Маданий меъёрлар ва маданий қадриятлар. Маданий қадриятларнинг моҳияти ва уларнинг ХМКдаги ўрни. Маданий нормалар ва уларнинг маданиятдаги ўрни.

**Қўлланиладиган таълим технологиялари:** диалогик ёндашув, муаммоли таълим, мунозара, ўз-ўзини назорат.

### 2-мавзу. Тил, маданият, маданиятлар типологияси ва коммуникация. Коммуникатив фаолият

Дунёнинг маданий суръати ва дунёнинг лингвистик суръати. Маҳаллийнинг призмаси орқали «бегона» маданиятни идрок этиш.

Этноцентризмнинг моҳияти ва унинг ММдаги роли. Маданий ўзига хосликнинг моҳияти ва шаклланиши. Маданиятни ўзлаштириш: маданият ва ижтимоийлашув етиштириш.

**Қўлланиладиган таълим технологиялари:** муаммоли таълим, кластер, диаграмма, мунозара, ўз-ўзини назорат.

### **3-мавзу. Коммуникатив фаолият даражалари ва коммуникация турлари. Вербал ва невербал коммуникация воситаларининг талқини**

Коммуникатив фаолият даражалари ва коммуникация турлари. Қарашларни тушунчаси моҳияти ва турлари. Қарашларни сўзлаш ва ўзгартириш муаммолари.

**Қўлланиладиган таълим технологиялари:** диалогик ёндашув, муаммоли таълим, БББИ, мунозара, ўз-ўзини назорат.

### **4-мавзу. Маданиятлараро мулоқот жараёнларининг тадқиқи**

Маданиятни Э. Холлга кўра туркумлаш: «маданий грамматика» тушунчаси. Вақт: монокроник ва полихроник маданиятлар. Вақт: тезлаштирилган маданиятлар ва секинлашган маданиятлар.

Ўтмишга, ҳозирги ва келажакка йўналтиришдаги маданий фарқлар.

Контекст: «юқори» контекстли маданиятлар ва «паст» контекстли маданиятлар. «Ахборот оқимлари» тушунчаси. Кенглик (майдон): турли хил маданиятларда шахсий макон ва унга бўлган муносабат.

**Қўлланиладиган таълим технологиялари:** диалогик ёндашув, муаммоли таълим, мунозара, кейс, ўз-ўзини назорат

### **5-мавзу. Шахс, миллий ва ҳудудий характер, стереотиплар, гендер,**

#### **ёш ва дискурс хусусиятлари**

«Ақлий дастур» тушунчаси ва уни шакллантириш шартлари. Турли маданиятларда ҳокимиятнинг масофаси. Қарама-қаршилик: индивидуализм / коллективизм. Қарама-қаршилик: маданиятнинг эркаклиги / аёллиги. Ишончсизликдан қочиш.

**Қўлланиладиган таълим технологиялари:** диалогик ёндашув, муаммоли таълим, кейс, мунозара, ўз-ўзини назорат.

### **6-мавзу. Кодлар аралашуви ҳамда интерференсия масалалари.**

#### **Ўрганилаётган тилни ўқитишда турли маданият вакиллари**

#### **мулоқотидаги қийинчиликлар**

Тилшунослик шахси тушунчаси. Тилнинг шахсияти ва маданиятлараро мулоқот. Миллий лингвистик шахс ва миллий характер. Шахсий ва жамоавий лингвистик шахс.

**Қўлланиладиган таълим технологиялари:** диалогик ёндашув, муаммоли таълим, кейс, мунозара, ўз-ўзини назорат.

## **7-мавзу.Маданиятлараро мулоқотда муҳим аҳамият касб этган**

### **маданиятга мослашиш**

Тилшунослик шахси тушунчаси ва унинг миллий ўзига хослиги.Рус маданиятининг асосий тушунчалари (мақсадли тил маданияти билан таққослаганда).

Маданиятлараро алоқада маданий тушунчаларнинг қисман кесишиши ва ажралиб чиқиши. Лақунар тушунчалари.Ўзаро таъсир қилувчи лингвокултураларнинг «мос келадиган» тушунчалари / тушунчалари соҳаларига эҳтиёж.

«Новербал мулоқот» тушунчасининг моҳияти.Новербал мулоқотнинг асосий таркибий қисмлари (проксемика, кинесика, ҳид ва тактил билан таъсир ўтказиш, паралингуистик воситалардан фойдаланиш, кўз билан алоқа қилиш) ва уларнинг миллий ўзига хослиги.

**Қўлланиладиган таълим технологиялари:** *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, кейс, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

## **8-мавзу.Маданиятлараро тўсиқлар ва тўқнашувлар, маданий ва лисоний шок ҳодисалар**

Оғзаки нутқ хулқ-атвор нормалари.Новербал воситалардан етарли даражада фойдаланиш.Ритуал хатти-ҳаракатининг хусусиятлари. Фатик алоқа.

**Қўлланиладиган таълим технологиялари:** *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, кейс, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

### **Ўқитиш шакллари**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган саволларга ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИММЕТОДЛАРИ

«КЕЙС-СТАДИ» методи. «Кейс-стади» – инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетидида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).



## «Кейс методи»ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>* якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>* кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>* ахборотни умумлаштириш;</li> <li>* ахборот таҳлили;</li> <li>* муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғини белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>* индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>* муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>* асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>* индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>* муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш;</li> <li>* ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>* муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот	<ul style="list-style-type: none"> <li>* якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>* муқобил вариантларни амалда қўллаш</li> <li>имкониятларини асослаш;</li> <li>* ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>* якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

**Кейс.** Талабаларга аудиторияда мустақил иш бажариш топширилди. Талабалар мустақил ишни бажараётганлирида битта талаба бошқа талабаларга халақит бериб, барчанинг диққатини чалғита бошлади.

## Сизнинг ҳаракатингиз

### Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар

- \*кейсдаги муаммоли вазиятни юзага келтирган асосий сабабларни белгилаш (индивидуал ва кичикгурӯҳда);
- \*мобил иловани ишга тушириш учун бажариладиган ишларкетмакетлигини белгилаш (жуфт-жуфт бўлиб ишлаш)

### «ФСМУ» методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур методдан маъруза машғулотларида, ўтилган мавзуни мустаҳкамлашда, ўтилган мавзу юзасидан саволларга жавоб олишди, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.


**Методни амалга ошириш тартиби:** иштирокчиларга мавзуга оид якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади; ҳар бир иштирокчига ФСМУ методи босқичлари ёзилган қоғозлар тарқатилади: иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимотқилинади.

<b>Ф</b>	фикрингизни баён этиш
<b>С</b>	фикрингиз баёнига сабаб кўрсатиш
<b>М</b>	кўрсатган сабабингизни мисоллар орқали далиллаш
<b>У</b>	фикрингизни умумлаштириш

**ФСМУ** таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.



## «ВЕНН ДИАГРАММАСИ» методи



**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланadi. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасаввурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштирилади ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклифэтилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадидилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадидилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

## «БЛИЦ-ЎЙИН» методи

**Методнинг мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизимини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топширик, яъни тарқатма материаллар алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги –якка баҳо||колонкасига

белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларни уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини –гуруҳ баҳоси||бўлимига рақамлар билан белгилабчиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақтберилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма- кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади ва талабалардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзишсўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ бўлса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғиндиҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтирибчиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлабберади.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.



## ЯНГИ ПЕДАГОГИК МЕТОД

- "ХУЛОСАЛАШ" (Резюме, Веер) методи

## «ХУЛОСАЛАШ» (РЕЗЮМЕ, ВЕЕР) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бирхил ахборот берилади ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Жумладан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда талабаларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. «Хулосалаш» методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва 15 семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### Намуна:

афзаллиги		камчилиги		афзаллиги		камчилиги	

## II. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

### 1-мавзу

**Маданиятлараро мулоқотнинг шаклланиши ва ривожланиши, унинг мақсади ва вазифалари**

#### Режа:

1. Маданиятлараро мулоқотнинг мақсади ва масалалари

2. Маданиятлараро мулоқотнинг моҳияти ва ўзига хос хусусияти

3. Маданиятлар ўзаро таъсирининг даражалари

**Таянчсўз ва иборалар:** *маданиятлараро мулоқот, маданиятлар кесишуви, коммуникация, тил, маданият, дискриминация, миллий характер, ўзаро таъсир, этник даража, миллий даража, цивилизация даражаси, донор-маданият, реципиент-маданият.*

### **1.1. Маданиятлараро мулоқотнинг мақсади ва масалалари**

Инсон – ижтимоий моҳият. Инсон жамиятда яшайди ва табиийки, у мазкур жамиятнинг бошқа аъзолари билан мулоқот қилиши лозим бўлади. *Коммуникация* термини ҳам лотинча *коммуникацион, коммуник* «умумий» сўзидан келиб чиққан.

Демак, сўз инсонларни бир-бири билан боғлайди, уларни мулоқот воситасида бирлаштиради. Мулоқотсиз жамият бўлмайди, жамиятсиз ижтимоий инсон, маданий ва онгли инсон ҳам *осапиенс* бўлмайди. Сўз тилда мужассамлашиб, инсонни ҳайвонот дунёсидан ажратади. Ҳеч қайси бир фан, ҳеч қайси бир илм сўзсиз мавжуд бўлмайди. Ҳеч бўлмаганда, билим ва тажрибаларни шакллантириш, уларни қайд қилиб келгуси авлодга қолдириш учун ҳам сўзлар керак бўлади. Хуллас, мулоқот инсоният борлигининг тамал тошини, синчини ташкил қилади.

Маданиятлараро мулоқотнинг мақсади – инсонлар мулоқоти масалаларини асосан тил ва маданиятга эътибор берган ҳолда таҳлил қилишдан, фарқли маданиятлар орасидаги коммуникацияни осонлаштириш ва тўқнашувларни олдини олишдан иборат.

Ҳозирги кунда турли халқлар, тиллар, маданиятлар аралашган бир пайтда, бошқа маданиятларга қизиқиш, уларни ҳурмат қилиш, уларни тушунишга ҳаракат қилиш, уларга сабр-тоқат билан ёндашишни ўрганиш долзарб масалалардан биридир. Айнан шу туфайли маданиятлараро, халқаро мулоқот масалалари умумжамят эътиборини тортди.

Қандай омиллар коммуникацияга ёрдам беради,  
нималарунга тўқнашувларни олдини олиш мумкин?  
турли маданият вакиллари билан мулоқот қилишнинг нималар қийинлаштиради?  
Тил ва маданият бир-бири билан қандай муносабатда бўлади?  
Тилнинг шахснинг шакллантиришидаги таъсири қандай бўлади?  
Тилда индивидуал ва жамоавий менталитет, мафкура, маданият қандай акс этади ва қайтарзда шаклланади?  
Миллий характерни маваути билан қандай шаклланади?  
Чет тилларини ўрганишда ижтимоий-маданий омилнинг роли қандай бўлади?  
Она тилидаги бирламчи дунё манзараси ва бошқа тилларни ўрганиш жараёнидаги иккиламчи дунё манзараси тил ва маданият қандай вужудга келади?  
Нима учун бутун дунёни маданиятлараро мулоқот ва маданиятлараро тўқнашув мумкин?  
Машҳур америкалик сиёсатшунос олим Самуел Хантингтонни учинчи жаҳон уруши сиёсий ёки иқтисодий эмас,

балкимаданиятларва цивилизацияларурушибўлади,  
деббашоратқилишигасабабнима эди?<sup>1</sup>.

Демак, маданиятлараромулоқотюқоридақайд  
этилгансаволларгажавобберади.

Америкалик тадқиқотчилар Жудитх Мартин ва Тҳомас Накаяманинг  
«Маданиятлараро мулоқот вазиятларида» номли асарида маданиятлараро  
мулоқот масалаларини кўрсатиш учун Муҳаммад ва Алекснинг қуйидаги  
тажрибаларини келтиришади:

«АмерикаҚўшмаШтатларидаколлежнитамомлабҚувайтгақайтганимд  
амаданиятимизвадинимизҳақидаҳамманарсанибилиболгандим.  
Бироқменбошқадунё  
(АҚШ)дагикишиларнингЯқинШарқёкимусулмонларҳақидақандайўйлашлариниби  
лмасдим. Шундайқилиб, бумамлакатданафақатменингирқимгақарши,  
балкибошқагуруҳларгаҳамқаршибўлганкўплабдискриминацияҳолатларининггуво  
ҳибўлдим... Шундайбўлса-да,  
америкаликларнингҳаммасиҳамбизданнафратланмаслигини тушундим,  
менбиланҳамкорликқилган,

«Дунёнипулбошқарди. Дунёдакучли, қудратлибўлишинингбирдан-  
бирйўлибуиқтисодиймақомга эгабўлишидир.  
Иқтисодиймақомниқўлгакиритишинингасоси  
эсатурлимаданиятвакилларибиланмузокараолибборишваҳамкорликқилишҳисоб  
ланади. Ҳозиргикундагимавжудтехнологияларбувазифаниосонлаштиради»  
(Алекс)

МуҳаммадваАлекснингтажрибаларимаданиятлараромулоқотнингимкон  
иятларива муаммоларини кўрсатиб беради.

Маданиятлараро муносабатлар орқали кўплаб халқлар ва маданиятлар,  
шунингдек, ўзимиз ва маданиятимиз ҳақида били болишимиз мумкин бўлади.  
Айни пайтда, кўплаб муаммолар билан ҳам дуч келинади. Бинобарин,  
маданиятлараро мулоқот стереотиплар ва дискриминация каби тўсиқларни ҳам ўз  
ичига олади.

Мазкур муносабатлар мураккаб тарихий вазиятлардан ўринолади<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, маданиятлараро мулоқот коммуникация турлари,  
вербал ва невербал мулоқот, коммуникация гатаъсир кўрсатувчи омиллар,

<sup>1</sup> Тер-Минасова С. Г. Язык и межкультурная коммуникация. – М.: Слово, 2000. – С.8-9.

<sup>2</sup> Judith Martin, Thomas Nakayama. Intercultural communication in contexts. — 5th ed. – New York: McGraw-Hill, 2010. – P. 4.

коммуникатсиядаги тўсиқлар ва уларни бартараф этиш йўллари, тил ва маданият муносабати, менталитет, миллий характер, мафкура, оламманзарасининг маданият ватилдаи фодаланиши, маданиятлар аротўқнашувлар, дискриминациялар, стереотиплар, турли маданиятлардаги рамзлар, табулар ва эвфемизмларнинг талқини, гендер ва ҳ.к. масалаларни тадқиқ этади.

## 1.2. Маданиятлараро мулоқотнинг моҳияти ва ўзига хос хусусияти

Маданиятлараро мулоқот – турли маданият вакиллари орасидаги ўзаро алоқа, мулоқот бўлиб, унда кишилар ўртасидаги билвосита алоқа, шунингдек, коммуникациянинг билвосита шакли (тил, нутқ, ёзув, электрон мулоқот) назарда тутилади. Баъзан маданиятлараро мулоқот “маданиятлар кесишуви” ниҳами фодалайди.

Инсон бошқа одамлардан айро ҳолдаяшай олмаганидек, бирон таҳаммад маданият бошқа халқларнинг маданият ютуқларидани ҳоталан ҳолдат ўлақонлима вжуд бўла олмайди.

Кишилар ҳаёт фаолияти давомида мунтазам равишда ўз ўтмишига ёки бошқа маданиятларнинг тажрибасига муурожаат қиладилар.

Ҳозирги кунда Еркуррасининг чекка жойларида қолиб кетган айрим кичик маҳаллий қабила ларни истисно қилганда,

дунёдан мутлақо узилган маданият ҳам жамиятлар вжуд эмас.

Бугунги кунда ҳар қандай халқ ўзга маданият тажрибасини қабул қилишга ва ўз маданиятига маҳсулини бошқа халқлар билан бўлишига тайёрлиги табиийдир.

Бошқа халқлар маданиятига бўлган бундай муносабат маданиятлараро мулоқот ёки маданиятларнинг ўзаро алоқаси деб номланади<sup>3</sup>.

Маданиятларнинг ўзаро алоқаси ҳақида сўз юритилганда, йирик гуруҳлар (маданиятлар ва субмаданиятлар) орасидаги муносабатлар назарда тутилади. Замонавий ривожланиш шароитида маданият алоқалар инсон ҳаётининг турли соҳаларида – туризм, спорт, шахсий алоқалар ва ҳ.к.да амалга ошади. Бундан ташқари, кейинги йилларда дунёда юз берган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар халқларнинг катта миқёсдаги мигратсиясига, кўчишига ва уларнинг аралашуви га олиб келди. Ушбу жараёнлар натижасида аксарият кишилар илгари уларни ажратиб турган маданият тўсиқларни енгиб бормоқда. Улар ўзга маданиятлар билан танишишга, улар билан аралашиб кетишга мажбур бўлмоқда. Шунинг учун маданиятларнинг ўзаро алоқаси алоҳида кишилар орасидаги муносабатлар орқали амалга ошмоқда.

Маълимки, маданиятлараро мулоқот «хабар юборувчи» ва «хабарни қабул қиливчи» турли маданиятларга мансуб бўлганда, шунингдек,

<sup>3</sup> <http://www.grandars.ru/college/sociologiya/mezhkulturnaya-kommunikaciya.html>

коммуникация иштирокчилари бир-бирининг маданий фарқларини тушуниб етганда амалга ошади.

Маданиятлараромулоқот — муайян маданият ва тил соҳибларининг ўзга маданият ва тил вакиллари билан вербал (нутқли) ва невербал (нутқсиз) мулоқот воситасидаги ўзаро алоқажараёнидир. Бундай мулоқотнинг ҳар бир иштирокчиси ўзининг шахсий қоидалари тизимига эга бўлади.

Маданиятлараромулоқот — турли маданият вакиллари орасидаги ўзаро алоқа, мулоқот бўлиб, ундаки шилар ўртасидаги билвосита алоқа, шунингдек, коммуникатсиянинг билвосита шакли (тил, нутқ, ёзув, электрон мулоқот) назарда тутилади.

Маданиятлараромулоқот моҳиятан махсус азиятдаги шахсларaro коммуникация бўлиб, у бириштирокчи бошқа иштирокчининг маданий фарқини сезганда юзага чиқади. Бундай мулоқот турли маданиятлардаги ҳар қандай инсонга хос бўлган фарқли умидлар ва ишончлар билан боғлиқ кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради.

Маданиятлараромулоқот маданият фарқлари кўриниб турганиндивидлар ва гуруҳлар орасидаги раамзий ўзаро муносабат жараёнига асосланади. Ушбу фарқларнинг қабул қилиниши ва уларга муносабат билдирилиши мулоқотнинг кўриниши, шакли ва натижасига таъсир кўрсатади. Маданиятлараромулоқотда жараёнига маданият фарқлари билан бирга, мулоқотчиларнинг ёши, жинси, касби, ва ижтимоий мақоми, шунингдек, унинг сабр-бардоши, удда буронлиги ва шахсий тажрибаси ҳам таъсир кўрсатади.

Демак, маданиятларaro мулоқот турли маданият вакиллари орасидаги ўзаро алоқа, мулоқотдир. Маданиятларaro мулоқот коммуникатив актнинг фарқли маданиятларга тегишли бўлган икки иштирокчисининг ўзаро бири-бирини тушунишидир.

### 1. 3. Маданиятлар ўзаро таъсирининг даражалари

Маданиятлар ўзаро таъсирининг турли даражалари фарқланади. Ўзаро таъсирининг *этник даражаси* маҳаллий халқлар, тарихий-этнографик, этноконфессиал ва бошқа ҳамжамиятлар ўртасидаги муносабатларга хосдир. Ўзаро таъсирининг *миллий даражасида* бошқарув вазифалари кўпроқ давлатнинг сиёсий структуралари томонидан бажарилади. Ўзаро таъсирининг *цивилизация даражаси* ўз-ўзидан юз берадиган тарихий шаклларга эга бўлади; бироқ мазкур даражада илгари бўлгани каби ҳозирда ҳам маънавий, бадиий ва илмий ютуқларни алмашиш натижалари кўпроқ аҳамият касб этади<sup>4</sup>.

Дунё мамлакатлари ва халқларининг кундалик мулоқот амалиётида кўпинча ҳар уччала даражага ҳам хос бўлган жараёнлар ва муносабатларнинг кесишиши кузатилади. Маданиятларaro алоқаларда, айниқса, кўпмиллатли

<sup>4</sup>Фалькова Е.Г. Межкультурная коммуникация в основных понятиях и определениях. Методическое пособие. СПб.: Ф-т филологии и искусств СПбГУ, 2007. –С. 7.



давлатлар ичида бир пайтнинг ўзида этник таркибни бошқарадиган маъмурий-давлат шаклларига эга бўлган ва бундай шаклларга эга бўлмаган катта ва майда миллатлар иштирок этади. Бунда сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил этадиган ва маданий жиҳатдан шаклланган халқлар майда миллатларга нисбатан ўзаро алоқа жараёнига кўпроқ таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Шунга кўра, тадқиқотчилар донор-маданият (кўпроқ бериб, камроқ оладиган) ва реципиент-маданият (асосан қабул қиладиган маданият)га ажратишади. Тарихий даврларнинг муайян босқичида мазкур роллар ўзгариши мумкин.

Маданиятлар ўзаро таъсирида унинг структураси муҳим аҳамият касб этади. Ўзаро таъсирнинг қадимий ва кенг тарқалган шаклларида бири хўжалик технологиялари, мутахассислар алмашинувидир; ўзаро таъсирнинг барқарор шакли давлатлараро муносабатлар, сиёсий ва ҳуқуқий алоқалар ҳисобланади. Маданиятларнинг ўзаро таъсири натижасида ўзаро алоқадаги халқларнинг тилида, бадиий ёки диний амалиётида, шунингдек, урф-одатларида ўзгаришлар юз бериши мумкин.

Маданиятлар ўзаро таъсирининг шакллари ва тамойиллари фарқланади. Тарихан ўзаро таъсирнинг дўстона, ихтиёрий (бундай ҳолатларда ўзаро алоқа тенг ҳамкорликка асосланади) ҳамда зўрлаш, мустамлакага айлантириш, ҳарбий йўл билан босиб олишга (бундай ҳолатларда ўзаро алоқа бир томонлама манфаатга асосланади) асосланган шакллари маълум.

Халқаро алоқалар амалиёти алоҳида аҳамият касб этади. Турли мамлакатлар орасидаги маданиятлараро алоқаларни бошқарадиган сиёсий шаклнинг фаолияти жараёнида махсус ташкилотлар ва уюшмалар (масалан: БМТ, ЮНЕСКО) томонидан мақсадга йўналтирилган ўзаро алоқалар йўлга қўйилади.

## **НАЗОРАТСАВОЛЛАРИ:**

1. Коммуникатив фаолият воситалари қандай гуруҳларга ажралади?
2. Белгининг асосий хусусияти нима?

### **2-мавзу. Тил, маданият, маданиятлар типологияси ва коммуникация. Коммуникатив фаолият. Коммуникатив фаолият даражалари ва коммуникация турлари**

#### **Режа:**

1. Маданиятлараро мулоқотнинг шаклланиши ва ривожланиши
2. Маданиятлараро мулоқотнинг бошқа фанлар билан алоқаси

**Таянч сўз ва иборалар:** *Дипломатик хизматлар институти, миллий маданият, этник маданият, тилишунослик, миллий компонент,*

*антропология, физик антропология, маданий антропология, психология, геишталт, бихевиоризм.*

## **2. 1. Маданиятлараро мулоқотнинг шаклланиши ва ривожланиши**

Маданиятлараро мулоқотга оид тадқиқотлар негизини Иккинчи Жаҳон урушидан кейин Америка Қўшма Штатларининг халқаро миқёсдаги нуфузининг ортиши билан боғлаш мумкин. Бу даврда хорижий давлатларда фаолият юритаётган ҳукумат вакилларива ишбилармонларнинг турли маданият вакиллари билан ишлаш учун ҳали тайёр эмаслиги сезилиб қолди. Бунга жавобан АҚШ ҳукумати томонидан 1946-йилда «Дипломатик хизмат ҳақида»ги Қонун қабул қилинди ва Дипломатик хизматлар институти – Форейгн Сервисе Институте (ФСИ) ташкил этилди. Дипломатик хизматлар институти қошида хорижга юбориладиган кадрлар учун махсус тайёрлов курслари очилиб, уларни ривожлантириш учун Эдвард Т. Ҳалл бошчилигидаги антрополог олимлар ва тилшунослар (Рай Бирдхистелл ва Георге Трагер) жалб этилди. Бу даврда маданиятлараро ўқув материаллари деярли мавжуд эмасди. Шунинг учун ўқув материаллар курсларга жалб этилган мутахассислар томонидан тайёрланди.

Маданиятлараро мулоқот тушунчаси биринчи марта 1954-йилда Г.Трагер ва Э. Ҳаллнинг «Маданият ва коммуникация. Таҳлил модели» номли асаридиалмий муомалага киритилган. Мазкур асарда «маданиятлараро мулоқот» инсоннинг ўз истаклари йўлида интилиши лозим бўлган идеал мақсади, уни ўраб турган ташқи дунёга яхшироқ ва самаралироқ мослашиши сифатида талқин қилинди. Шунингдек, асарда маданият ва коммуникацияни ўрганишнинг янги усуллари ишлаб чиқилди. Шу тариқа маданиятлараро мулоқот йўналиши шакллантирилди ва у ҳозирги кундатадқиқотчилар томонидан назарий жиҳатдан етарли даражада ривожлантириб келинмоқда.

Дипломатик хизматлар институти томонидан катта қизиқиш билдирилган ҳодисалардан бири новербал мулоқот эди. Коммуникациянинг новербал жиҳатлари тилшунослар томонидан атрофлича тадқиқ этилди. Тилшунослар новербал мулоқот ҳам худди тил сингари маданиятга боғлиқ бўлади, деган хулосага келдилар. Маданият ва коммуникация тадқиқининг мубошири бўлган Э. Т. Ҳаллнинг «Сукут тили» - Тхе Силент Лангуаге (1959) ва «Яширин жиҳат» - Тхе Ҳидден Дименсион (1966) каби асарлари янги йўналишнинг шаклланишига асос бўлди.

Дипломатик хизматлар институти ходимлари томонидан ҳукумат вакилларининг маданият ва коммуникация назарияси эмас, балки уларни кўпроқ хизматга борадиган мамлакатлардаги бошқарув тамойиллари қизиқтираётгани аниқланди. Э. Т. Ҳаллнинг хорижга юбориладиган кадрларларни махсус тайёрлов курслари учун ўқув материалларини ривожлантиришдаги асосий стратегияси турли маданиятлар орасидаги фарқларни ўрганиш эди. Дипломатик хизматлар институтида Э. Т. Ҳалл билан бирга ишлайдиганларнинг аксарияти турли тилларда сўзлашадиган фарқли маданият вакиллари бўлгани учун бу ерда маданият фарқлари

ҳақидаги назарияни ишлаб чиқиш имконият катта эди. Масалан, у италянлар суҳбат чоғида бир-бирлари билан жуда яқин туришини, юнонлар ўзаро мулоқотда қўл ҳаракатларини кўп ишлатишларини, ёки хитойликлар сўзлашув пайтида жуда кам қўл ҳаракатларидан фойдаланишларини кузатиши ва тажрибаларини тасдиқлаш учун турли маданий гуруҳ аъзоларидан маслаҳат олиши мумкин эди. Бугунги кунда ҳам маданиятлараро мулоқот соҳасида яратилган кўпчилик ўқув қўлланмаларида ушбу тамойилнинг сақланиб қолганлигини кўриш мумкин<sup>5</sup>.

Маданиятлараро мулоқотни тасвирлашда дастлаб маданиятни классик тушунишдан фойдаланилди. Бунда миллий ёки этник маданиятнинг меъёрлари, кадриятлари, структуралари ва артефактлари назарда тутилди. Ҳозирги кунга келиб, маданиятни динамик тушуниш устуворлик қилмоқда. Яъни, маданият ҳар қандай ижтимоий гуруҳнинг (масалан: шаҳар маданияти, авлодлар маданияти, ташкилотлар маданияти) турмуш тарзи, феъл-атвори, меъёрлари, кадриятлари ва ҳ.к. тизими сифатида талқин қилинмоқда.

## **2.2. Маданиятлараро мулоқотнинг бошқа фанлар билан алоқаси**

АҚШ Дипломатик хизматлар институтида турли соҳа мутахассислари, жумладан, тилшунослар, антропологлар ва психологлар фаолият олиб боришди. Коммуникацияга оид тадқиқотларни амалга оширишда ҳар бир мутахассис ўзининг соҳасидаги назарияларга таяниб иш кўрди. Натижада тилшунослик, антропология ва психология соҳаларининг кесишмасида коммуникацияга комплекс ёндашув юзага келди. Бугунги кунда ҳам мазкур ёндашув ўз самарасини бермоқда.

**Тилшунослик.** Тилшуносликка оид тадқиқотларда «тил ва маданият» масаласига катта эътибор қаратилади. Тил – маданиятнинг кўзгуси бўлиб, унда нафақат инсонни ўраб олган реал борлик, унинг реал яшаш шароитлари, балки халқнинг ижтимоий ўзини ўзи англаши, унинг менталитети, миллий характери, ҳаёт тарзи, анъаналари, урф-одатлари, ахлоқи, кадриятлар йиғиндиси ва дунёқараши ҳам акс этади.

Агар тилга унинг структураси, вазифалари ва уни ўзлаштириш жиҳатидан қараладиган бўлса, у ҳолда ижтимоий қатлам ёки маданиятнинг компоненти тилнинг таркибий қисми бўлади. Айни пайтда маданиятнинг компоненти тил орқали хабар қилинадиган қандайдир маданий информатсия эмас. У тилнинг барча сатҳларига тегишли бўлган тилга хос ажралмас хусусиятдир.

Тилшунослар маданиятлараро алоқа масалаларида тилнинг аҳамияти ва ролини тушунишда ёрдам беришади. Улар тилларнинг ботиний ва зоҳирий структуралари жиҳатидан фарқланишини, тил ва реал борлик орасидаги ўзаро алоқаларни ёритиб берадилар. Шунингдек, тилшунослар иккинчи ёки учинчи тилни ўрганиш кишиларнинг бошқа маданиятлар ҳақидаги билимларини кенгайтириши, уларнинг маданиятлараро салоҳиятини

---

<sup>55</sup>Judith Martin, Thomas Nakayama. Intercultural communication in contexts. — 5th ed. —New York: McGraw-Hill, 2010. —P. 45-46.

кучайтиришига хизмат қилишини уқтиришади.

**Антропология.** Антропологлар маданиятнинг инсон ҳаётида муҳим рол ўйнаши ва новербал мулоқотнинг аҳамиятини тушунишга ёрдам беришади. Жумладан, антрополог Ренате Росалдо (1989) тадқиқотчиларни маданиятни ўрганиш усуллари ўзлаштиришга ундаган ва кўпчилик антрополог олимлар унинг изидан борган<sup>6</sup>.

Инсон маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши масаласи билан маданий антропология шуғулланади. Антропология номидан ҳам кўриниб турганидек, инсон ҳақидаги фандир. Бироқ инсон ҳақидаги фанлар қаторига барча гуманитар ва айрим табиий фанлар (тиббиёт ва қисман биология) ҳам киради. Инсон ҳақидаги фанларнинг кўп бўлиши табиий, чунки инсон мураккаб, кўпқиррали моҳиятдир. Шунингдек, мазкур фанларнинг барчаси марказида инсон бўлган кишилик жамиятида ривожланади.

Антропология қайд қилинган инсон ҳақидаги фанлардан ажралиб туради. У инсоннинг бошқа жиҳатларини бирлаштиришга ҳаракат қилиб, унинг физик ва маданий ривожланиш жараёнини глобал ва ҳар томонлама ўрганади.

Антропология физик антропология ва маданий антропологияга ажралади. Физик антропология турли ирқларга мансуб бўлган инсоннинг биологик келиб чиқиши ва унинг физик тузилишининг эволюциясини ўрганади. Маданий антропология инсон маданиятининг шаклланиши ва ривожланишини ўрганади.

Демак, маданий антропология инсоният маданий ривожланишининг умумий муаммоларини ўрганувчи, ўзида барча гуманитар фанлар билимларини мужассамлаштирувчи, инсонни «Инсон» қилувчи ва уни ҳайвонот дунёсидан ажратувчи ноёб жиҳатларини тадқиқ этувчи фавқуллодда кенг фундаментал фан ҳисобланади. Бинобарин, ҳайвонларда муайян хатти-ҳаракатлар тизими мавжуд бўлса-да, уларда маданият мавжуд эмас<sup>7</sup>.

Маданият маданий антропологиянинг предмети сифатида миллат, синф, гуруҳларнинг муайян даврдаги ҳаёт тарзини таркиб топтирадиган кишилик жамияти фаолиятининг натижалари йиғиндисидир.

Маданий антропология маданият ривожининг барча қирраларини, хусусан, инсоннинг ҳаёт тарзи, менталитети, миллий характери, маънавий, ижтимоий ва ишлаб чиқариш фаолиятини тадқиқ этади. Маданий антропология инсоннинг маданиятни мулоқот орқали ривожлантиришдек нодир қобилиятини ўрганади, тил ва маданиятнинг ўзаро алоқасига алоҳида эътибор қаратади.

**Психология.** Маданиятлараро мулоқотни шаклланиши ва ривожланишида психология алоҳида ўрин тутаяди. Айниқса, психологиянинг гешталт, бихевиоризм, коммуникация ва фаолият назариялари маданиятлараро мулоқот масалаларига боғланади.

---

<sup>6</sup>Judith Martin, Thomas Nakayama. Intercultural communication in contexts. — 5th ed. —New York: McGraw-Hill, 2010. —P. 47-48.

<sup>7</sup> Тер-Минасова С. Г. Язык и межкультурная коммуникация. —М.: Слово, 2000. —С. 15-16.

Бихевиоризм (ингл. – феъл-атвор) назарияси XX асрнинг бошларида АҚШда вужудга келди. Мазкур назарияга кўра, психологиянинг предмети тафаккур эмас, балки инсоннинг феъл-атворидир. Чунки, бихевиористларнинг наздида тафаккурни бевосита кузатиб ёки ўлчаб бўлмайди. Бихевиоризм психикага кишининг ҳаёти ва фаолияти контекстини киритади ва уни ташқи таъсирлар ҳамда организмнинг физиологик хусусиятлари билан боғлайди. Бихевиоризм нуқтайи назарича, махлукқа (бу одам ёки жонивор бўлиши мумкин ва ҳ.к.) таъсир қиладиган қандайдир стимул (С) ва ушбу стимулга қандайдир реакция (Р) бор (С -> Р).

Кейинроқ ушбу формула 3 таркибда янада мукаммаллаштирилди: инсон организми х стимуллар = феъл-атвор. Бунда ташқи предмет стимуллари инсон ҳаёт фаолиятининг маданий муҳитида шаклланадиган стимулларга ўзгартирилди. Яъни, эндиликда предметлар дунёси ўрнини жамият томонидан ишлаб чиқилган маданий белгилар эгаллайди. Шундай қилиб, барибир яна 2 таркибли (С -> Р) формулага қайтилади, фақат стимул энди «маданий стимул» сифатида талқин қилинади.

Бу орада бошқа бир психология мактаби – гештальтпсихология (нем. гештальт – шакл, (яхлит) образ, (ташқи) кўриниш) юзага келди. Гештальтпсихология инсон феъл-атворини «инсайт» (ингл. инсигхт – бирдан тушуниш, ақлига келиш) тушунчаси билан изоҳлади. Мазкур тушунчага универсал характер берилди. Гештальтчилар интеллектуал масалаларни ечишда инсайтнинг асосий рол ўйнашини даъво қилдилар<sup>8</sup>. Тафаккур динамик бир бутун «майдон», унинг таҳлил бирлиги «гештальт» – бутун бир образ сифатида талқин қилинди.

Кейинги даврдаги психологлар, масалан, Гордон Аллпорт стереотип тушунчаси, стереотипларнинг ҳаётдаги функциялари ва маданиятлараро мулоқотни тушуниш йўллари тадқиқ этдилар. Ричард Брислин (1999) ва Дан Ландис (Ландис & Василевски, 1999) сингари психологлар мулоқот жараёнига миллийлик, этник эгалик, шахс ва гендер фарқларининг таъсирини кўрсатиб бердилар<sup>9</sup>.

Шундай қилиб, гарчи маданиятлараро мулоқот коммуникациянинг муайян тури бўлса-да, «маданият» тушунчаси маданиятлараро мулоқотни фанлараро метафанга айлантирди. Маданиятлараро мулоқотнинг вужудга келишида тилшунослик, антропология, психология, социология, этнология, фолклоршунослик ва ҳ.к. соҳаларнинг ҳиссаси катта бўлди. Мазкур соҳаларнинг назария ва методлари асосида маданиятлараро мулоқот интегратив характер касб этди. Бугунги кунда «Маданиятлараро мулоқот» фанининг *интегратив* характеридан ташқари, унинг *амалий* (турли маданият вакиллари орасидаги коммуникатсияни қулайлаштириш, тўқнашувларни камайтириш) хусусияти ҳам ортиб бормоқда.

---

<sup>8</sup>Болдырев В.Е. Введение в теорию межкультурной коммуникации. Курс лекций. –М.: Русский язык, 2009. – С. 10-12.

<sup>9</sup>Judith Martin, Thomas Nakayama. Intercultural communication in contexts. — 5th ed. –New York: McGraw-Hill, 2010. –Р. 48.

## НАЗОРАТСАВОЛЛАРИ:

1. Ғарбда коммуникатив фаолиятда қўлланиладиган белгиларга қандай муносабат кўрсатилади?
2. Шарқда коммуникатив фаолиятда қўлланиладиган белгиларга қандай муносабат кўрсатилади?

### 3-мавзу. Вербал ва новербал коммуникация воситаларининг талқини

#### Режа:

1. Маданият тушунчаси
2. Тил тушунчаси
3. Коммуникация тушунчаси

**Таянч сўз ва иборалар:** *тушунчавий аппарат, маданият, маданиятлилик, миллий маданият, тил, коммуникация, мулоқот акти, мулоқот воситаси, маданиятлараро мулоқот, тафаккур, маданиятнинг*

*кўзгуси, маданият ташувчиси.*

### 3.1. Маданият тушунчаси


Маданиятлараро мулоқотнинг асосий тушунчавий аппаратига маданият, тил, коммуникация ва маданиятлараро мулоқот киради.

Маданият – маданиятлараро мулоқотнинг асосий тушунчаларидан биридир. Шунинг учун маданиятнинг онтологиясини, унинг семиотик ва бошқа хусусиятларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотчи Вен Шу Лее маданият тушунчасининг 6 та таърифини келтиради: 1. Маданият (табиат ва биологиядан фарқли ўлароқ) – инсоннинг ноёб саъй-ҳаракати, уринишидир. У «табиатни йўқ қилишга қарши мисоли бир кўргондир». 2. Маданият – назокат, хулқ-атвордир. 3. Маданият – (барбарлардан фарқли ўлароқ) тамаддундир. 4. Маданият – лисоний ҳаамжамият, ишонч, қадриятдир (ҳар бир маданият вакили бир тилда гаплашади, айна анъаналарни бўлишади). 5. Маданият – хукмрон ёки йўлбошловчи маданиятдир. Масалан, «маданият ахлоқ ва бузуқликни белгиловчи синфни бошқаради». 6. Маданият – умумий ва бўлишилмайдиган нарсалар орасидаги тангликларни ўзгартиради<sup>10</sup>.

Ж.Хонигман маданият термини деганда, эскимос онанинг боласига айтган алласи ёки каск халқида онанинг боладан ўзини четга олишга интилиши; Самоада янги туғилган гўдак қизча киндигининг кўмилиши, шунингдек, кундалик турмушда ишлатиладиган мусиқий асбоблар, радиоприёмниклар, рамзий нарсалар (байроқлар, белгилар, светофорлар) тушунилишини қайд этади<sup>11</sup>.

Э. Сепирнинг «Тилшунослик ва маданиятшунослик бўйича танланган асарлари» («Избранные труды по языкознанию и культурологии» М., 1993) да «маданият – турмуш тарзимизни тавсифловчи, ижтимоий мерос қилиб олинган амалий малакалар ва ғоялар мажмуи» (185-бет)<sup>12</sup> сифатида тавсифланган:




<sup>10</sup> Judith Martin, Thomas Nakayama. Intercultural communication in contexts. — 5th ed. —New York: McGraw-Hill, 2010. —P. 85.

<sup>11</sup>Хонигман Дж. Понятия // Личность, культура, этнос: современная психологическая антропология. —М., 2001.

<sup>12</sup> Sapir E. Language: An introduction to the study of speech. -New York: Harcourt, Brace and company, 1921. 258 p.

Э.Сепирнинг бошқа бир талқинига кўра, «маданият – жамият томонидан амалга ошириладиган қадриятларнинг танлаб олинishi». «Маданият хатти-ҳаракатлар билан қиёсланади»:



Маданият – жамият, инсониятнинг тарихий таърихи, қадриятлари ва ҳаракатлари билан шунингдек, кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятига таъсир қилувчи ҳаёт шартлари ва муҳити билан шунингдек, «Маданият» тушунчаси муайян тарихий давр (антик маданият), конкрет жамият, элат ва миллат (Ўзбек маданияти), шунингдек, инсон фаолияти ёки турмушининг ўзига хос соҳалари (масалан, меҳнат маданияти, бадиий маданият, турмуш маданияти) ни изоҳлаш учун қўлланилади. Тор маънода «маданият» термини кишиларнинг фақат маънавий ҳаёти соҳаси гани сба танишлатилади.

Марказий Осиёдаги буюк тафаккур эгалари маданият лилик масаласига инсоннинг руҳий-маънавий камолоти, онг ва тафаккур таракқиёти, фозил жамият ва комил инсонлар масаласи нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда ёндашадилар. Шарқ мутафаккирлари маданият масаласини инсоннинг маънавий-ақлий баркамоллиги шаклида, бахт-саодатга эришув тарзидат ушунадилар. Бу анъанавий тушунча кейинги авлодлар тафаккурдан мустаҳкам жой олган. Шунинг учун «маданият» деганда кўпроқ инсоннинг маънавияти, унинг ички кечинмалари ва таъсир қилувчи фазисининг муштараклигини кўз олдимизга келтира миз<sup>13</sup>.

Маданиятлар «умумий» бўлмайди, ҳар қандай маданият муайян ҳам жамият, халқнинг ижтимоий амалиётидаги ўзига хос сулларини бирлаштиради. Масалан, Ўзбек маданияти узоқ йиллик тарихга эга бўлишига қарамай, у Ўрта Осиё маданиятига айланмаган. Миллий маданият бошқа миллий маданиятлар билан мулоқотга киришадива он ам аданиятнинг эътиборидан четда қолган жиҳатлар ўрта гачиқади.

<sup>13</sup>Qoraboyev U., Soatov G'. O'zbekiston madaniyati. – Toshkent: "Tafakkur bo'stoni", 2011. – B.7.



Айтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, маданиятнинг шундай белгилари мумкин: маданият – меъёрлар, қадриятлар, идеаллар, намуналарнинг ўл-ўйриқлари ва кўрсатмалари тизимига асосланган субъектлар фаолиятининг барча шакллари мажмуи, у бошқа маданиятлар билан ўзаро алоқада яшайдиган жамоанинг мерос қилиб олган хотираси. Демак, ҳар бир инсон маданиятнинг ирсий мерос қилиб олмайди, балки уни ўрганиш орқали ўзлаштириб, муайян маданиятнинг вакилига айланади.

### 3. 2. Тил тушуни

Тил – маданиятнинг кўзгуси бўлиб, унда нафақат инсонни ўраб олган реал бора, унинг реал яшаш шариоatlари, балки халқнинг ижтимоий ўзини ўзи англаши, унинг менталитети, миллий характери, ҳаёт тарзи, анъаналари, урф-одatlари, ахлоқи, қадриятлар йиғиндиси ва дунёқараши ҳам акс этади.

Тил – маданият ташувчиси бўлиб, у аждодлардан авлодларга миллий маданият хазинасини мерос қилиб қолдиради. Ёш авлод она тили баробарида аждодларнинг бой маданий тажрибасини ҳам ўзлаштиради.

Тил – маданиятнинг қуроли, воситасидир. У халқ маданияти воситасида инсон шахсиятини, тил соҳибини шакллантиради.

Тил – маданият хазинаси, сандиғи, мажмуидир. У лексика, грамматика, иборалар, мақол ва маталлар, фолклор, бадиий ва илмий адабиёт, оғзаки ва ёзма нутқда маданий қадриятларни сақлаб келади<sup>14</sup>.

Агар тилга унинг структураси, вазифалари ва уни ўзлаштириш жиҳатидан қараладиган бўлса, у ҳолда ижтимоий қатлам ёки маданиятнинг компоненти тилнинг таркибий қисми бўлади. Айни пайтда маданиятнинг компоненти тил орқали хабар қилинадиган қандайдир маданий инфомация эмас. У тилнинг барча сатҳларига тегишли бўлган тилга хос ажралмас хусусиятдир. Тил – кишилар оқимини халққа айлантирадиган, мажмуи нутқ жамоасининг ўзини ўзи англаши, маданияти, анъаналарини сақлаши ва уларни мерос қилиши орқали миллатни шакллантирадиган кучли ижтимоий воситадир.

«Тил маданиятнинг миллий компонентлари орасида биринчи ўринда туради. Тил биринчи навбатда, маданиятга кишилик жамиятининг ҳам мулоқот воситаси, ҳам ушбу мулоқотни узиб қўювчи восита бўлишига ёрдам беради. Тил – унинг соҳибларининг муайян жамоага тегишли эканини кўрсатади. Халқнинг ўзига хос асосий хусусияти бўлган тилга «ички» ва «ташқи» жиҳатдан ёндашиш мумкин. Тилга «ички» жиҳатдан ёндашилганда, у этник интеграциянинг бош омили сифатида намоён бўлса, «ташқи» жиҳатдан ёндашилганда, у халқнинг этник фарқларини кўрсатади. Бу икки қарама-қарши функцияни ўзида диалектик бирлаштирган тил бир томондан халқнинг ўз-ўзини сақлаш воситаси, иккинчи томондан уни «ўзиники» ва

<sup>14</sup>Robins R. H. General Linguistics. An Introductory Survey. –London: Routledge, 1989. –P. 27; Верещагин Е. М., Костомаров В. Г. Язык и культура. –М.: Русский язык, 1990. –С. 26.

«бегона»га ажратиш воситаси бўлиб хизмат қилади»<sup>15</sup>.

Шубҳасиз, тил маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, инсониятнинг ижтимоий тарихидаги энг муҳим ютуқлардан бири саналади. Лекин бошқа томондан тилнинг материясида инсоннинг биологик табиати намоён бўлади. Бу ўринда кўп нарса нутқий фаолиятнинг физиологик ва психофизиологик имкониятлари билан аниқланган. Масалан, дунёнинг барча тилларида унли ва ундошлар ҳамда кўплаб товушлар алмашинуви занжирининг мавжудлиги маданият билан эмас, табиат билан боғлиқдир. Бинобарин, инсон фақат унлилар ёки ундошларнинг ўзи билан нутқ ҳосил қила олмайди. Табиат тил структурасининг теран хусусиятларини ҳамда матнни ҳосил қилиш ва уни қабул қилиш қонуниятларини аниқлайди. Маданият эса тилнинг мазмун жиҳатини аниқлайди<sup>16</sup>.

Машхур рус тилшуноси Г.О.Винокурнинг «тилни ўрганаётган ҳар қандай тилшунос, албатта, танлаган тили унинг маҳсулоти бўлган ўша маданиятнинг тадқиқотчисига айланади»<sup>17</sup> деган тезиси тилшуносликнинг шаклланишидан бошлаб тасдиқланиб келмоқда.

В. фон Гумболдтнинг таълимотида (1985) тил қуйидагича изоҳланади:

- 1) моддий ва маънавий маданият тилда мужассамлашади;
- 2) тилга ҳар бир халқ учун ўзига хос бўлган ички шакл хосдир, тилнинг ички шакли – «халқ руҳи» ва унинг маданиятининг ифодаси;
- 3) тил инсон ва унинг ўраб олган дунё орасидаги ҳалқа ҳисобланади.

В. фон Гумболднинг «тилда халқ руҳи акс этади» деган фикри ўзбек тилшуноси Н. Маҳмудовнинг асарларида ўзига хос тарзда давом эттирилганини кўриш мумкин: «...тилда халқнинг урф-одати, яшаш тарзи, иқтисодий аҳволи, қисқаси, халқнинг бор-буди, бўй-баста акс этади. Муайян халқнинг тилини билиш унинг бутун борлиғини англаш демакдир. Муайян халқ тилининг мазмуну моҳиятини идрок этиш шу халқнинг тарихию келажагини идрок этиш демакдир. Тил халқнинг бебаҳо ва муқаддас бойлигидир, халқнинг ҳар бир асл фарзанди ўз тилида собит ва ўз тилига содиқ бўлмоғи азал-абад ҳам қарз, ҳам фарз»<sup>18</sup>.

Тилнинг миллий дунёқараш ва миллий руҳ ифодаси эканлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов қуйидаги фикрларни қайд этганлар: «Инсон табиати, феъл-атвори гўдаклигидан шаклланар экан, миллий дунёқараш ҳам бола вужудига она сути билан киради. Мана шунга алоҳида эътибор беришингизни илтимос қилмоқчиман: табиийки, Она алласи фақат чақалоқнинг ором олиши учунгина айтилмайди, балки унинг воситасида боланинг кўнгил дунёсига миллий руҳ киради. Она тилидаги меҳр-муҳаббат, наслий туйғулар ва орзулар гўдакнинг жисму жонида илдиз қолдиради»<sup>19</sup>.

<sup>15</sup> Антипов Г.А., Донских О.А., Марковина И.Ю., Сорокин Ю. А. Тексткакявление культуры. –Новосибирск: Наука; Сиб. отд-ние, 1989. –С. 75.

<sup>16</sup> Мечковская Н. Б. Социальная лингвистика. I. 2 изд. –М.: Аспект Пресс, 2000. –207 с.

<sup>17</sup> Винокур Г. О. Избранные работы по русскому языку. –М.: Учпедгиз, 1959. –С. 211.

<sup>18</sup> Миртожиев М., Маҳмудов Н. Тил ва маданият. –Тошкент: Ўзбекистон, 1992. –Б. 82-83.

<sup>19</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Оила фаровонлиги – миллат фаровонлиги. 6 Т. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 217.

Тилга эҳтиром кўрсатиш ва унга эътибор бериш бобомиз Алишер Навоийнинг «Тилга эътиборсиз – элга эътиборсиз» деган сўзларида ўзининг ҳаққоний ифодасини топган. Мазкур ҳикматни ўзбек тилшуноси Н. Маҳмудов қуйидагича талқин қилади: «Тил бениҳоя муқаддас ва мўътабар неъмат, у одам деган мавжудотга шакллантирилган, қавмлар ўларок бирлаштирган, тараққиёт босқичларига олиб чиққан, рухий такомилга бошлаган, тафаккур гулшанининг дарвозаларини очган бемисл бир робитадир. Шунинг учун ҳам тилга нописандлик инсониятнинг ўзлигига нописандлик демакдир. Тилга эҳтиром ва эътибор эса бу дунёда инсон боласи муҳтарамлигининг эътирофидир»<sup>20</sup>.

Демак, тил маданиятнинг кўзгуси, хазинаси, сандиғи, мажмуи, куролидир. Тил маданият ташувчиси, у маданиятнинг, кишилиқ жамиятининг мулоқот воситасидир. Тил муқаддас ва мўътабар неъматдир.

### **3.3. Коммуникация тушунчаси**

Коммуникация илмий билим тушунчаси сифатида узоқ тарихга эга бўлиб, унинг бир қанча талқинлари мавжуд. Масалан, америкалик психолог Ю. Рюш (Журген Руесч) коммуникация тушунчасини антропология, социология, сиёсатшунослик, психология, тилшунослик ва ҳ.к. соҳаларда қирқдан ортиқ талқини мавжуд эканлигини қайд қилган. Демак, коммуникация муаммолари билан инсон фаолиятининг турли соҳаларидаги мутахассисларнинг тўқнашиши табиий ҳолдир.

Бугунги кунда «коммуникация» ижтимоий-гуманитар билимларнинг асосий тушунчаларидан бирига айланган. Социологияда коммуникациянинг объекти жамият ва унинг таркибий қисмлари (оммавий коммуникация), психологияда шахслараро коммуникация, этнографияда этник гуруҳлараро коммуникация тадқиқ этилади. Санъат соҳасида коммуникация асар яратувчиси – режиссёр, актёр, шоир, рассом, бастакор ва ҳ.к. билан томошабин, китобхон, тингловчи орасида, таълим соҳасида ўқитувчи ва ўқувчи орасида амалга ошади.

Коммуникация (лот. *коммунисатион*, *коммунис* «умумий»)– хабарни узатиш, фикр ва маълумотлар алмашинуви, яъни мулоқот қилишдир. Коммуникация – мулоқот акти, икки ёки ундан ортиқ киши ўртасидаги ўзаро ҳамфикрликка асосланган алоқа. Коммуникация – бирон киши томонидан бошқа кишига ёки кишилар гуруҳига бериладиган ахборот. Коммуникация – хабар ёки мулоқот. Коммуникация – кишиларнинг бир-бири билан алоқа ўрнатиш ва ҳиссиётларини тушуниш воситаси.

Хориждаги тадқиқотларда коммуникация қуйидагича тушунилади:

Коммуникация – тафаккурдаги рамзлар, уларни замон ва маконда узатилишини ўз ичига олган механизм бўлиб, у инсон муносабатларини таъминланлашга ва ривожлантиришга хизмат қилади (Ч.Кули). Коммуникация – бошқалар билан турли усулларда аниқ амалга ошириладиган ҳаёт, инсон турмушининг универсал шарти (К.Ясперс). Коммуникация– кишилар феъл-атворида ўзаро кўникишни

<sup>20</sup>Маҳмудов Н. Тил. –Тошкент: Ёзувчи, 1998. –Б. 3.

осонлаштирадиган фаолият тури. Коммуникация – ҳамкорликдаги ўзаро ёрдамни таъминлайдиган, мураккаб ҳаракатларни бошқаришга имконият яратадиган алмашинувдир. Инсон табиати ва ижтимоий тартиблар коммуникациянинг маҳсулоти ҳисобланади (Т.Шибутани).

Кўринадики, “коммуникация» терминига берилган таърифлар жуда кўп ва уларнинг аксарияти бир-бирига ўхшашдир. Шунга кўра, уларни қўйидагича умумлаштириш мумкин: Коммуникация – хабарни узатиш, фикр ва маълумотлар алмашинуви, яъни мулоқот қилишдир. Коммуникация ижтимоий жараён сифатида намоён бўлади. У жамиятда алоқа ўрнатувчи муҳим вазифани бажариб, инсон муносабатларини таъминланлашга ва ривожлантиришга хизмат қилади.

### **НАЗОРАТСАВОЛЛАРИ:**

1. Узоқ Шарқ маданиятида «инкор» ёки «йўқ» тушунчаларини ифодалашга қандай ёндашилади?
2. Шарқ маданиятида сукутга муносабат қандай?

## **III. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ**

- 1- амалий машғулот. Маданиятлараро мулоқот жараёнларининг тадқиқи**

Маданиятлараро мулоқотга оид тадқиқотлар негизини Иккинчи Жаҳон урушидан кейин Америка Қўшма Штатларининг халқаро миқёсдаги нуфузининг ортиши билан боғлаш мумкин. Бу даврда хорижий давлатларда фаолият юритаётган ҳукумат вакиллари ва ишбилармонларнинг турли маданият вакиллари билан ишлаш учун ҳали тайёр эмаслиги сезилиб қолди. Бунга жавобан АҚШ ҳукумати томонидан 1946-йилда «Дипломатик хизмат ҳақида»ги Қонун қабул қилинди ва Дипломатик хизматлар институти – Форейгн Сервисе Институте (ФСИ) ташкил этилди. Дипломатик хизматлар институти қошида хорижга юбориладиган кадрлар учун махсус тайёрлов курслари очилиб, уларни ривожлантириш учун Эдвард Т. Ҳалл бошчилигидаги антрополог олимлар ва тилшунослар (Рай Бирдхистелл ва Георге Трагер) жалб этилди. Бу даврда маданиятлараро ўқув материаллари деярли мавжуд эмасди. Шунинг учун ўқув материаллар курсларга жалб этилган мутахассислар томонидан тайёрланди.

«Маданиятлараро мулоқот» тушунчаси биринчи марта 1954-йилда Г.Трагер ва Е. Ҳаллнинг «Маданият ва коммуникация. Таҳлил модели» номли асарида илмий муомалага киритилган. Мазкур асарда «маданиятлараро мулоқот» инсоннинг ўз истаклари йўлида интилиши лозим бўлган идеал мақсади, уни ўраб турган ташқи дунёга яхшироқ ва самаралироқ мослашиши сифатида талқин қилинди. Шунингдек, асарда маданият ва коммуникацияни ўрганишнинг янги усуллари ишлаб чиқилди. Шу тариқа маданиятлараро мулоқот йўналиши шакллантирилди ва у ҳозирги кунда тадқиқотчилар томонидан назарий жиҳатдан етарли даражада ривожлантириб келинмоқда.

Дипломатик хизматлар институти томонидан катта қизиқиш билдирилган ҳодисалардан бири новербал мулоқот эди. Коммуникациянинг новербал жиҳатлари тилшунослар томонидан атрофлича тадқиқ этилди. Тилшунослар новербал мулоқот ҳам худди тил сингари маданиятга боғлиқ бўлади, деган хулосага келдилар. Маданият ва коммуникация тадқиқининг мушоири бўлган Е. Т. Ҳаллнинг «Сукут тили» - Тхе Силент Лангуаге (1959) ва «Яширин жиҳат» - Тхе Ҳидден Дименсион (1966) каби асарлари янги йўналишнинг шаклланишига асос бўлди.

Дипломатик хизматлар институти ходимлари томонидан ҳукумат вакиллари маданият ва коммуникация назарияси эмас, балки уларни кўпроқ хизматга борадиган мамлакатлардаги бошқарув тамойиллари қизиқтираётгани аниқланди. Е. Т. Ҳаллнинг хорижга юбориладиган кадрларларни махсус тайёрлов курслари учун ўқув материалларини ривожлантиришдаги асосий стратегияси турли маданиятлар орасидаги фарқларни ўрганиш эди. Дипломатик хизматлар институтида Е. Т. Ҳалл билан бирга ишлайдиганларнинг аксарияти турли тилларда сўзлашадиган фарқли маданият вакиллари бўлгани учун бу ерда маданият фарқлари ҳақидаги назарияни ишлаб чиқиш имконият катта эди. Масалан, у италянлар суҳбат чоғида бир-бирлари билан жуда яқин туришини, юнонлар ўзаро мулоқотда қўл ҳаракатларини кўп ишлатишларини, ёки хитойликлар сўзлашув пайтида жуда кам қўл ҳаракатларидан фойдаланишларини

кузатиши ва тажрибаларини тасдиқлаш учун турли маданий гуруҳ аъзоларидан маслаҳат олиши мумкин эди. Бугунги кунда ҳам маданиятлараро мулоқот соҳасида яратилган кўпчилик ўқув қўлланмаларида ушбу тамойилнинг сақланиб қолганлигини кўриш мумкин.

Маданиятлараро мулоқотни тасвирлашда дастлаб маданиятни классик тушунишдан фойдаланилди. Бунда миллий ёки этник маданиятнинг меъёрлари, кадриятлари, структуралари ва артефактлари назарда тутилди. Ҳозирги кунга келиб, маданиятни динамик тушуниш устуворлик қилмоқда. Яъни, маданият ҳар қандай ижтимоий гуруҳнинг (масалан: шаҳар маданияти, авлодлар маданияти, ташкилотлар маданияти) турмуш тарзи, феъл-атвори, меъёрлари, кадриятлари ва ҳ.к. тизими сифатида талқин қилинмоқда АҚШ Димломатик хизматлар институтида турли соҳа мутахассислари, жумладан, тилшунослар, антропологлар ва психологлар фаолият олиб боришди. Коммуникацияга оид тадқиқотларни амалга оширишда ҳар бир мутахассис ўзининг соҳасидаги назарияларга таяниб иш кўрди. Натижада тилшунослик, антропология ва психология соҳаларининг кесишмасида коммуникацияга комплекс ёндашув юзага келди. Бугунги кунда ҳам мазкур ёндашув ўз самарасини бермоқда.

Тилшунослик. Тилшуносликка оид тадқиқотларда «тил ва маданият» масаласига катта эътибор қаратилади. Тил – маданиятнинг кўзгуси бўлиб, унда нафақат инсонни ўраб олган реал борлик, унинг реал яшаш шароитлари, балки халқнинг ижтимоий ўзини ўзи англаши, унинг менталитети, миллий характери, ҳаёт тарзи, анъаналари, урф-одатлари, ахлоқи, кадриятлар йиғиндиси ва дунёқараши ҳам акс этади.

Агар тилга унинг структураси, вазифалари ва уни ўзлаштириш жиҳатидан қараладиган бўлса, у ҳолда ижтимоий қатлам ёки маданиятнинг компоненти тилнинг таркибий қисми бўлади. Айни пайтда маданиятнинг компоненти тил орқали хабар қилинадиган қандайдир маданий информация эмас. У тилнинг барча сатҳларига тегишли бўлган тилга хос ажралмас хусусиятдир.

Тилшунослар маданиятлараро алоқа масалаларида тилнинг аҳамияти ва ролини тушунишда ёрдам беришади. Улар тилларнинг ботиний ва зоҳирий структуралари жиҳатидан фарқланишини, тил ва реал борлик орасидаги ўзаро алоқаларни ёритиб берадилар. Шунингдек, тилшунослар иккинчи ёки учинчи тилни ўрганиш кишиларнинг бошқа маданиятлар ҳақидаги билимларини кенгайтириши, уларнинг маданиятлараро салоҳиятини кучайтиришига хизмат қилишини уқтиришади.

Антропология. Антропологлар маданиятнинг инсон ҳаётида муҳим рол ўйнаши ва новербал мулоқотнинг аҳамиятини тушунишга ёрдам беришади. Жумладан, антрополог Ренате Росалдо (1989) тадқиқотчиларни маданиятни ўрганиш усулларини ўзлаштиришга ундаган ва кўпчилик антрополог олимлар унинг изидан борган.

Инсон маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши масаласи билан маданий антропология шуғулланади. Антропология номидан ҳам кўриниб турганидек, инсон ҳақидаги фандир. Бироқ инсон ҳақидаги фанлар қаторига

барча гуманитар ва айрим табиий фанлар (тиббиёт ва қисман биология) ҳам киради. Инсон ҳақидаги фанларнинг кўп бўлиши табиий, чунки инсон мураккаб, кўп қиррали моҳиятдир. Шунингдек, мазкур фанларнинг барчаси марказида инсон бўлган кишилик жамиятида ривожланади.

Антропология қайд қилинган инсон ҳақидаги фанлардан ажралиб туради. У инсоннинг бошқа жиҳатларини бирлаштиришга ҳаракат қилиб, унинг физик ва маданий ривожланиш жараёнини глобал ва ҳар томонлама ўрганади.

Антропология физик антропология ва маданий антропологияга ажралади. Физик антропология турли ирқларга мансуб бўлган инсоннинг биологик келиб чиқиши ва унинг физик тузилишининг эволюциясини ўрганади. Маданий антропология инсон маданиятининг шаклланиши ва ривожланишини ўрганади.

Демак, маданий антропология инсоният маданий ривожланишининг умумий муаммоларини ўрганувчи, ўзида барча гуманитар фанлар билимларини мужассамлаштирувчи, инсонни «Инсон» қилувчи ва уни ҳайвонот дунёсидан ажратувчи ноёб жиҳатларини тадқиқ етувчи фавқулодда кенг фундаментал фан ҳисобланади. Бинобарин, ҳайвонларда муайян хатти-ҳаракатлар тизими мавжуд бўлса-да, уларда маданият мавжуд эмас.

Эвфемизмлар ижтимоий ва маданий хусусиятларига кўра дискурсда ўзига хос ўрин тутади. Турли халқларнинг руҳияти уларнинг дискурсида эвфемизмларнинг юзага чиқиши орқали намоён бўлади.

Роутледге Дистионарий оф Лангуаге анд Лингуистисс (2000)да «эвфемизм –кишилар учун ишлатилиши ёқимсиз ва беадаб бўлган айрим сўзлар ўрнига ноаниқ, кўп маъноли сўзларни қўллаш ва бу орқали ўзларини ноқулай ҳолатлардан чиқаришга уринишларини ифодаладиган ўзига хос бир усулдир», деб изоҳланган.

Эвфемизмларнинг келиб чиқишида ижтимоий асос ётади. Кишилар баъзан бошқалар билан мулоқот чоғида ўзлари хоҳлаган нарсани тўғридан-тўғри айта олмайдиган ёки ибораларнинг ўз маъносида қўллаб, суҳбатдошларини ноқулай аҳволга солиб қўядиган вазиятлар билан тўқнашиб қоладилар. Бундай қийин вазиятлардан чиқиб кетиш мақсадида, кишилар ўз фикр-мулоҳазаларини воситали, «ўраб-чирмаб» ифодалашга ҳаракат қиладилар. Бунинг натижасида эвфемизмлар юзага келади.

Жамиятнинг ривожланиши билан барча тиллардаги эвфемизмлар ҳам ўзгариб борган. Табиийки, бундай давомли ўзгаришлар маданиятга боғлиқ бўлган. Турли мамлакатлар ўзига хос атроф-муҳитга, ижтимоий тузилишга, мафкурага, қадриятларга ва ишлаб чиқариш тизимига эга. Буларнинг барчаси тил қўлланишида, бинобарин, эвфемизмларнинг қўлланишида ҳам ўз аксини топади.

Эвфемизмлар маданий ҳодиса сифатида маданият тараққиётида ўзига хос ўрин тутади. Турли халқлар эвфемизмларидаги маданий ўхшашликлар уларга юкланган вазифаларнинг бир хиллигидан келиб чиқади.

Мавжуд сўзга эвфемистик маъно юкланар экан, бу маъно сўзнинг қўлланмай қолган маъноси бўлади. Яъни у лексик сатҳга мансуб

ҳисобланади. Уни асосан табу билан боғлайдилар. Табуга учраган сўз ёки ибора ўрнида тўғридан-тўғри эвфемизм қўлланади, яъни маълум сўзга табуга учраган луғавий бирликнинг маъноси юкланади, у эвфемистик маъно бўлиб қолади.

«Ибтидоий жамоа тузуми даврида ижтимоий ишлаб чиқариш даражаси паст бўлгани сабабли, кишиларда илмий ва маданий билимлар етишмаган. Шунинг учун ҳам улар турли ирим-чиримларга ишонишган, тўғридан-тўғри Худодан ёки руҳлардан сўраш бахцизлик келтиради, деб ўйлашган. Натижада Худо ва руҳларнинг исми табуга айланган ва улар бошқа ном билан аталган. Масалан, Ғарб мамлакатларида насронийлик ривожланган даврларда Худонинг «Иегова» исми энг катта табу ҳисоблангани учун унинг ўрнига «Қудратли», «Яратувчи», «Қутқарувчи», «Бизнинг Отамиз» ва ҳ.к. эвфемизмлар қўлланилган. Ёки қадимги Хитойда императорларнинг исми билан аташ таъқиқланган.

Аксарият лингвомаданиятларда кенг тарқалган эвфемик сўзлардан бири «ўлим»дир. Инсонларнинг тасаввурида ўлим энг катта бахтсизлик саналади. Шунинг учун кўпчилик халқларнинг тилида ўлим сўзи тилга олинмайди ва у турли эвфемик сўзлар ва иборалар воситасида ифодаланади.

Кишилар кўпинча ўз нутқи ва хатти-ҳаракатлари билан бошқа шахсга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром даражасини ифодалаш учун кўпол, беадаб сўз ва иборалар ўрнида ёқимли эвфемик сўз ва иборалардан фойдаланишади. Маданиятлар қиёсида рақамлар ҳақидаги турли табуларни ҳам кўриш мумкин. Ғарб маданиятида 13 рақамга бахтсизлик келтиради, деб қаралади ва кундалик ҳаётда бу рақамдан фойдаланмасликка ҳаракат қилинади. Масалан, 13 кишининг стол атрофида йиғилиб, тушлик қилиши ёки мажлис ўтказиши деярли кузатилмайди. Шунингдек, дастурхонга 13 кишилик идиш-товоқ қўйиш таъқиқланади. Уй, хонадон, қават ва бошқаларда барча бу рақамдан фойдаланишдан қочади.

Кореяда 4 рақами қатъиян анъанавий табу ҳисобланади. Чунки хитой тилининг талаффуз қоидаларига кўра, 4 сони «си» (тўртинчи оҳанг) шаклида талаффуз қилиниб, у «ўлим/ ўлмоқ» маъносидаги бошқа «死»«си» (учинчи оҳанг)га жуда яқин туради. Шунинг учун мазкур рақам хушланилмайди ва ундан эшик, уй, хона, қават, телефон ва тарихий саналарни белгилашда фойдаланилмайди.

Хуллас, эвфемизмлар келиб чиқиши жиҳатидан узоқ тарихга эга бўлган лисоний ва ижтимоий-маданий ҳодисадир. Эвфемизмлар халқнинг руҳияти, дунёқараши, урф-одатлари, удумлари, ирим-сиримлари ва ишончларини акс эттиради. Турли маданиятлар дискурсидаги эвфемизмларни қиёсий ўрганиш маданиятлараро мулоқот жараёнида юзага чиқадиган тушунмовчиликларни, қийинчиликларни олдини олади, прагматик тўсиқларни бартараф етиб, мулоқотнинг муваффақиятли ва самарали бўлишини таъминлайди.



## 2- амалий машғулот. Шахс, миллий ва ҳудудий характер, стереотиплар, гендер, ёш ва дискурс хусусиятлари

Е.М. Верещагин<sup>21</sup> таъкидлаганидек:  
«Одамзотрусёкинемисёхудяпонбўлибтуғилмайди,  
балкиунгамосижтимоийгуруҳдоирасидаўшамиллаткишисигаайланади».

Демак, миллий характер  
уёкибумиллатвакилигаоидбўлганўзигахосжисмонийвамаънавийхусусиятларм  
ажмуи, хулқ-атворвафаолиятмеъёридир.

«Миллий характер» тушунчаси ўрганиш объектисифатида мураккаб,  
чунки бутушунча кўпинча ирқий ва  
этнох характер билан аралаштириб юборилади.  
Бироқ миллий характерни шаклланишида ирқий ва  
этнокомилларнинг ўзига хос ўрнини амавжуд.

Миллий характерни аниқловчи омиллар мажмуи ва вазиятларни икки гуруҳга  
аажратиш мумкин: табиий-биологик ҳамда ижтимоий-маданий. Омилларнинг  
биринчи гуруҳи турли ирқий гуруҳларга оид кишиларнинг турфа реакция ва  
темперамент меъёрларини намоён қилиши билан боғлангандир. У ёки бу  
халқда шаклланган жамият тури эса унинг характери га яна-да кўпроқ таъсир  
кўрсатади. Шунинг учун қайсидир халқнинг характерини тушуниш,  
фақат шу халқ шайдиган ва автомонидан маълум географик,  
табиий шароитлар даяратилган жамият тушунилган дагина мумкин бўлади.

Миллий характер миллат ҳаётида тарихий категория бўлиб, уни ўрганиш,  
тушунтириб бериш чунбевосита ўшамиллат тилини, тарихини, ҳаётини,  
маданиятини ҳам яхши билиш зарур.

Ҳар бир халқ бутун хусусиятлари билан олинган дагина ва бета қор бўлиб кўриниш  
имумкин, унинг ҳар бир этник хусусияти алоҳида олиб кўрилса,  
мутлоқ ноёб хусусият бўла олмайди.

Миллий характер халқнинг дини, сиёсати, урф-одатлари,  
ижтимоий қатлами, турмуш тарзи,  
тарихи ва ҳатто географик ўрни билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Миллий характерни тадқиқ этишга XIX асрда эътибор кучайди.  
Буборада қатор изланишлар олиб борган  
этнопсихолог олимлар ўз асарларида миллий характернинг реал воқелик сифатида  
мавжудлигини эътироф этган. Файласуф Э. Фридрих Англия тарихини ўрганар  
экан, француз ва немисларда бўлмаган ўзига хос мустақиллик,  
ўзига ишонч хусусиятлари ивижланганини кўрсатиб беради.

Олиминглиз миллий характерини немисларникидан ҳам, шунингдек,  
французларникидан ҳам кескин фарқланишини айтиб ўтган. Аммо бунини кор  
этувчилар миллий характер мавжуд эмас,  
деган фикрни олғасурадилар ва бир бирига қардош халқлар орасида тафовут бўлма  
йди дейишади.

Диққат қилиб ўрганиш ватекшириш жараёнида ҳамма халқларнинг миллий характ

<sup>21</sup>Верещагин Е. М., Костомаров В. Г. Лингвострановедческая теория слова. – М., 1980. – С.35.

еридабир-бириданфарққилувчихусусиятларборлигинипайқаболишмумкин.  
Миллийхарактердагибуфарқларниҳаттоқундаликҳаётимиздаҳамкўпучратамиз

Халқларнингтурличахарактерхислатларига эгабўлишлиги,  
уларнингжтимой-иқтисодийтажрибаси,  
тарихийтараққиётиватабийяшашшароитларибиланбелгиланади.  
Бундаижтимоймуносабатлармиллийхарактерривожланишидаетақийўринни  
эгаллайди. Ҳарбиртарихийдавр,  
шудаврдагиижтимойтараққиётқонунлариасосидамиллиймафкураманфаатлар  
игамосбўлибтушадиганўзмиллийхарактеридеалинияратади.  
Шудаврдагихарактертипикшиларнингяшаштарзиниакс эттиради.

Халқнингбутунтарихидавомидаорттирганҳарбирхарактерхислатларини  
нгвужудгакелишикишиларруҳиятигаатрофдагивоқеликларнингузоқвақтдавом  
идатаъсир этибтуришибиланбоғлиқдир.  
Миллийхарактергақандайруҳийхислатвасифатларникиритишмумкин?  
Шунитаъкидлашкеракки,  
«миллийхарактер»тушунчасиҳақидаҳалиҳамумумийбўлганбирхилқарашмавж  
удбўлмас-да,  
лекинунгакирувчихислатлартўғрисидаумумийбўлганфикрлармавжуд.  
Кўптадқиқотчилармиллийхарактерга, меҳнатгамуносабат (меҳнатсеварлик),  
ватанпарварлик, эрксеварлик, жанговорлик,  
довюракликкабиҳислатларникиритишади.

Миллийхарактернитадқиқ этишдагиасосийқийинчиликшундаки,  
бирхалққаёкимиллатгаҳосбўлганхислатларбошқамиллатвакилларидаҳамучра  
шимумкин. Дарҳақиқат, характернигқайсибирхусусиятиниолибкўрмайлик,  
албатта, убарчахалқларвамиллатлардаҳаммавжуд эканлигиникўрамиз.  
Масалан, эрксеварлик, довюраклик, меҳнатсеварлик,  
ватанпарварликкабиҳислатларҳаммаҳалқларгаҳосбўлганхусусиятбўлганиҳолд  
а, бухислатларўзинингнамоёнбўлиши,  
тузилишижиҳатданбарчахалқлардабирхилкечмайди. Зеро,  
характерхислатлариникелтирибчиқарувчишаштарзи,  
тарихийтараққиётвафаолиятшароитларияйнанбирхилбўлмаганлигисабабли,  
юқоридагихарактерхислатларинингнамоёнбўлишиҳамулардаайнанбирхилбўл  
олмайди. Масалан,  
Кавказдагитоғлихалқларниўргангантадқиқотчиларулардажанговорлик,  
мағрурликкабиҳарактерхислатларикучли эканини эътироф этишади.  
«Улардагибухарактер, –дебёзадиТ.Ч.Чомаев, –  
тоғлихалқларнингташвишливаҳавф-хатаргатўлаҳаётнингинькосибўлиб,  
унгамослашишзаруриятинатижасидир. Демакки, милий характернинг  
шаклланишида, аввало, яшаш шароити, яъни рельефнинг таъсири кучли экан.  
Бунга яна мисол сифатида Голландия халқларини олайлик. Уларнинг яшаш  
шароити доимий меҳнатни ва ерга ишлов беришни талаб қилади, шу сабабли  
уларнинг миллий характерида тиришқоқлик ва сабот билан меҳнат қилиш  
хислатлари биринчи ўринда туради. Голландлар ўз фарзандларини ҳам шу  
руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор қаратар эканлар ва болаларига

кафтларидаги эгри -бугри чизикларни кўрсатиб, M - ман – одам , W - work – меҳнат, деб ёшлигиданок уқтирар эканлар.

Ер юзидаги ҳар бир халқ ўзига хос миллий характери намоён этади. Аммо бу миллий характери мутлоқлаштириб юбориш керак дегани эмас. Бошқа халқларда ва миллатларда учрамайдиган, фақат бир халққагина хос бўлган соф миллий характери умуман табиатда учрамайди. Миллий характерга оддий шахслар характерининг йиғиндиси деб қараш ҳам нотўғри. У оммавий феномен сифатида, индивидуал характерларнинг умумий бўлган хислатлари ижтимоий жиҳатидан қайта ишланиб, янги, махсус сифатга айланган вақтда таркиб топиб намоён бўлади. Масалан, хор овози ҳеч бир хор қатнашчисининг овозига ўхшамагандек, миллий характери ҳам бирорта миллат вакилининг характерига ўхшамайди ёки миллат характери ҳеч бир миллат вакилида тугалигича акс этмайди. Миилий характери ўзгармас, турғун нарса ҳам эмас. У тарих маҳсули. Шунинг учун ҳам уни вужудга келтирган тарихий, ижтимоий, иқтисодий шароитларнинг ўзгариши билан у ҳам малум даражада ўзгаради, ҳатто бир ижтимоий тизимнинг ўзида ҳам у айрим хислатларни йўқотиб, янги хислатларни пайдо қилиб туриши мумкин.

### **Характер**

**Характер** – шахснинг муайян географик ҳудудга хос бўлган хусусиятлари. Дунёнинг турли ҳудудларида алоҳида, ўзига хос муҳим маданий хусусиятлар мавжуд. Шимолий Шотландиядаги тоғлик ҳудуди Шотландиянинг пасттекисликларидан мутлақо фарқ қилади ва тоғликлар жуда кучли ҳудудий характери билан ажралиб туради.

Ҳудудий характери кундалик-маданий турмушдаги бир-биридан фарқ қиладиган миллий таомлар, кийим-кечаклар, хулқ-атвор ва тилнинг ўзига хос хусусиятларини намоён этади. Мазкур хусусиятлар маданиятлараро мулоқот вазияти учун муҳим аҳамият касб этади.

Ҳудудий характернинг тилдаги ўзига хос хусусиятларини намоён этишини Ўзбекистон мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, ўзбек тилининг Хоразм шеvasини бошқа вилоят вакиллари тушунмайдилар. Ёхуд Тошкентдаёкиводийдахайрлашувчоғидаги«бизникигаборинглар»ифодаси шунчакимулозаматтариқасидақабулқилинса, Хоразмда “бизникигаборинглар»ифодаситўғриқабулқилинадива эртасигашухоразмликуйингизгакелишимумкин.

Хуллас,

ҳудудий характер шахснинг маълум географик ҳудудга хос бўлган хусусиятларини ўзида мужассамлаштирадивашу ҳудуднинг фарқли маданий жиҳатларини акс эттиради.

Ҳарқандай маданият ўзининг дунёниidroққилишигаасосланган, ўзтафаккуривахулқ-атворининг стереотипини шакллантиради.

**Стереотип** – муайян гуруҳ ёки жамоанинг содалашган, схемалашган, эмоционал бўёқдор ва факуллодда барқарор бўлган образи, турли маданият вакиллари нинг тили ва тафаккурининг ўзига хослигидир

Стереотип у ёки бу халқнинг миллий характери ҳақида объектив маълумот беради. В.А. Маслованинг таъбирича, «стереотип дунёда мавжуд тип бўлиб, уфаолият, ҳатти-ҳаракат ва ҳ.к. ни ўлчайди»<sup>22</sup>. Стереотиплар ҳеч қачон алоҳида кишиларда пайдо бўлмайди, улар ҳар доим гуруҳларда юзага келади.

«Стереотип» термини (юнон. *Стереос* – қаттиқ, *тйпос* – из, тамға) америкалик социолог Уолтер Липпман томонидан илмий муомалага киритилган. У 1922-йилдан ашр этилган «Жамоат фикри» номли китобида стереотипларнинг жамоат фикрига таъсирини таърифлашга ҳаракат қилган. У. Липпман стереотипни бизнинг онгимизга таъбиб бормасидан олдин ҳис-туйғуларимиздаги маълумотларга муайян таъсир кўрсатадиган атроф-муҳитни алоҳида идрок қилиш шакли сифатида тушуниб келган<sup>23</sup>.

У. Липпманга кўра, инсон унинг ўра болган атроф-муҳитни унинг бутун қарама-қаршиликлари билан аниқлашга ҳаракат қилиб, ўзи бево сита кузатмаган ҳодисалар ҳақида «ўзининг миясида манзара» ҳосил қилади.

Инсон ўз ҳаётида бево сита қаршилашмаган жуда кўп нарсалар ҳақида олдиндан аниқ тасаввурга эга бўлади.

Шунга ўхшаш стереотиплар тасаввуримизда кўп индивидумнинг маданий муҳити таъсирида шаклланади: «Аксарият ҳолларда биз у ёки бу ҳодисани олдин кўриб, кейин унга аниқлик киритмаймиз, аксинча, олдин у ёки бу ҳодисани ўзимиз учун аниқлаб, сўнгра унинг кузатамиз. Ташқидунёнинг бутун чалқашликларидан бизнинг маданиятимизга алоқадорини гинаюли бола миз ва биз маълумотни стереотип шаклида қабул қилишга мойил бўламиз»<sup>24</sup>. Стереотиплар инсонга олам ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиш, ўзининг ториж тимой, географик вазияти муҳитидан чиқишга имкон беради.

Стереотипларни ўрганишга қизиқиш 1930-йиллардан 1950-йилларгача бўлган даврда кенг қулоч ёйди. Хусусан, этник стереотипларнинг барқарорлиги ва беқарорлиги масалалари Р.Сларке ва Д. Сампбелл; Д. Катз ва К. Бралл; Р. Ла Пиерре каби олимларнинг тадқиқотларида ўрганилди<sup>25</sup>.

Кейинги йиллардаги этник стереотипларни ўрганишга бағишланган қатор тадқиқотларни таҳлил қилган психолог О. Кленберг «этник стереотип» тушунчасини қуйидагича белгиллаган: «Этник стереотип – инсонларнинг дағи ўзлари ёки бошқа миллий гуруҳлар ҳақидаги манзара. Бундай образлар ёки тасаввурлар жамиятда кенг тарқалган бўлади; одатда, улар объектив борлиқни сбатан ўта жўн ва қабул қилинмай дигандир»<sup>26</sup>.

<sup>22</sup> Маслова В.А. Связь мифа и языка // Фразеология в контексте культуры. –М., 1999. –С. 123-134.

<sup>23</sup> Lippman Walter. Public Opinion. –New York: Greenbook, 2010. –P. 23, 95.

<sup>24</sup> Lippman Walter. Public Opinion. –New York: Greenbook, 2010. –P. 81.

<sup>25</sup> Clarke R. B. & Campbell D. T. A demonstration of bias in estimates of Negro ability // Journal of Abnormal and Social Psychology. Vol 51. 1955. –P. 585-588; Katz D. & Braly K. W. Racial stereotypes of one-hundred college students // Journal of Abnormal and Social Psychology. Vol. 28. 1933. –P. 280-290; La Pierre R. T. Social forces type-rationalizations of group antipathy // Social Forces. Vol. 15. 1936. –P. 232-237.

<sup>26</sup> Klenberg O. Tensions Affecting International Understanding. –New York, 1950. –P. 93.

Аксариятга дқиқотчилар этник стереотипларни муқаррар, лекин хавфли ҳодиса ҳисоблашади. Бинобарин, каток луғатларда «стереотип» сўзи салбий маънода қайд қилинган. Масалан, М. Кордуэллнинг психологиядан тузган луғатида стереотипга шундай таъриф берилган: «Стереотип – маълум гуруҳ ёки категориядаги кишилар ҳақидаги кескин, кўпинча уза китасаввур. Биз умумиятда уза киликка мойил бўлганимиз учун ҳам бошқа инсонларнинг ҳулқ-атворини олдиндан кўриш учун стереотипларни шакллантира миз. Мазкур стереотиплар кўпинча салбий моҳият, сохтатасаввур ватаҳ қирлашасосига эга бўлади. Стереотиплар ҳар доим ҳам ёлғон бўлмайди; одатда, уларда маълум маънода ҳақиқат бўлади. Стереотипларни кўпчилик томонидан бўлиши илмишуларнинг сингиб кетишига ёр дам беради. Стереотиплар ва кўтиши билан ўзгариши мумкин, лекин стереотип соҳибларининг ўзлаштирилган тасаввурлардан қутулиши қийин бўлади»<sup>27</sup>.

### 3-амалий машғулот. Кодлар аралашуви ҳамда интерференсия масалалари

**Кодлар аралашуви** (ёки бир код тасарруфидани кинчико код тасарруфига ўт иш) инглизчасоде михинг (ёки соде-свитчинг) термининг таржимаси бўлиб, уХХасрнинг 70-йилларида инглиз тилшунослигида пайдобўлган<sup>28</sup>.

Бироқ мазкур терминистеъ молга кирмасидан олдинбу ҳодисага Р.Якобсон эътибор қаратган: «Ҳар қандай умумий код кўпшакли бўлиб, ухабар-нинг ва зифаси, адресат ва суҳбатдошлар орасидаги муносабатга кўрасўзлов-читомонидан эркин танланадиган турли субкодларнинг иерархик (поғонали) мажмуи дир»<sup>29</sup>. Кейинги йилларда кодлар аралашуви ҳодисаси турли жихатдан Ауер (1998), Мерс-Скоттон (1993), Поплак (1980), МсСормикс (2002), Маҳооттиан анд Санторини (1996), Рамптон (1995) каби олимлар томонидан ат-рофлича ўрганилган<sup>30</sup>.

Ижтимоий-коммуникатив тизимни таркиб топтирувчи кодлар ва субкодлар ва зифаларига кўра тақсимланган. Бу мазкур тил жамоасини ташкил этган худди ўша сўзлашувчилар контингентининг умумий мулоқот воситалар мажмуини мулоқот шароитидан келиб чиққан ҳолда қўллашгани билдиради. Масалан, агар гап адабий тил субкодлари ҳақида кетадиган бўлса, унда адабий тил эгалари илмий фаолиятда илмий услубдан, бошқарув органларининг ёзишмаларида, иш юритишда, юриспруденцияда, албатта, расмий услубдан,

<sup>27</sup> Кордуэлл М. Психология А-Я. Словарь-справочник. –М.: Фаир-пресс, 2000. –448 с.

<sup>28</sup> Miriam Meyerhoff. Introducing Sociolinguistics. –New York: Routledge 2006. –P. 287; Беликов В.И., Крысин Л.П. Социоллингвистика. –М., 2001. –С. 28.

<sup>29</sup> Jakobson R. Linguistics in its relation to other sciences //Main Trends of Research in the Social and Human Sciences. - Paris, 1970. –P. 458.

<sup>30</sup> Miriam Meyerhoff. Introducing Sociolinguistics. –New York: Routledge 2006. –P. 287.

диний маросимларда эса диний-ташвиқот услубларидан фойдаланиши керак бўлади. Бошқача айтганда, сўзловчи мулоқот шароитидан келиб чиққан ҳолда бир тил воситасидан бошқасига ўтади.

Бунга ўхшаш манзара икки ёки ундан ортиқ тил қўлланиладиган жамиятларда ҳам кузатилади. Икки ёки ундан ортиқ тилда сўзлашувчилар, одатда, бу тилларни мулоқот шароитига кўра «таксимлашади»: расмий шароитда ҳокимият вакиллари билан бир тилда, кундалик ҳаётда, уйда, қўшнилари ва бошқалар билан иккинчи тилда гаплашадилар. Мазкур ҳолатда ҳам бир код тасарруфидан иккинчи код тасарруфига ўтилади, фақат бу ерда биринчи ми+солдагидек код тилнинг услублари сифатида эмас, балки турли тиллар сифатида намоён бўлади.

Нутқий мулоқот чоғида сўзловчининг коммуникация шароитидан келиб чиққан ҳолда, бир тилдан (ёки тил вариантларидан, диалектдан, услубдан) бошқа бир тил кўринишига ўтиши *кодлар аралашуви*, яъни *бир код тасарруфидан иккинчи код тасарруфига ўтиши* дейилади.

Коммуникация шароитидаги қандай ўзгаришлар сўзловчининг бир код тасарруфидан иккинчи код тасарруфига ўтишга мажбур қилади? Масалан, *адресатнинг алмашилиши*, яъни сўзловчи мурожаат қилган кишининг ўзгариши кодларнинг аралашувига сабаб бўлиши мумкин. Агар адресат сўзлашувчи билган икки тилдан фақат бирини билса, шу пайтгача мулоқотда билинг (зул-лисонайн) суҳбатдошлар бошқа тил ёки ҳар иккала тилни қўллаган бўлишга-рига қарамай, мулоқот охирида адресатга таниш бўлган тилни қўллашга ўти-лади. Масалан, мен (таъкид бизники – Ш.Усманова) Индиана университетида (АҚШда) ишлаган чоғимда вазиятга кўра, ўзбек, рус ва инглиз тилларидан фойдаланишимга тўғри келган. Ўзбеклар доирасида суҳбатлашганимда, табиийки, ўзбек тилидан фойдаланганман. Агар суҳбатимизга қозоқ ёки қирғиз келиб қўшилса, ўз-ўзидан рус тилини қўллашга ўтганмиз (қозоқ ёки қирғиз тилини бир ўзбек тушуниши мумкин, лекин ўзбекчани қозоқ, қирғиз ва ҳ.к. тил эгалари тўлиқ тушунмайди). Ёки суҳбат рус тилида бораётган бир пайтда орага америкалик келиб қўшилса, унда инглиз тилини қўллашга тўғри келган. Мулоқотга киришувчилар сонининг ўзгариши ҳам кодларнинг кўчишини келтириб чиқаради. Бундай ҳолат икки билингвнинг суҳбатига фақат бир тилни билладиган учинчи киши келиб қўшилганда юз беради.

*Сўзловчиролининг ўзгариши* ҳам кодлар аралашувини келтириб чиқарувчи омиллардан бири бўлиши мумкин. Масалан, Тошкентда яшовчи ота ёки


она ролидаги хоразмлик сўзловчи оилада, ёхуд ҳамюртлари билан мулоқот чоғида Хоразм шеvasида гапиради, лекин у иш жойида, бошқарув органларига мурожаат қилганда, ҳатто, кундалик ҳаётда адабий тилнинг меъёрий шакллари билан бирини қўллашга мажбур бўлади. Агар бундай код ўзгариши юз бермаса, уларни иш жойидаги ҳамкасблари ёки бошқарув органларининг вакиллари тушунишмайди ва улар ўзларининг мақсади (аризаси ёки шикоятини кўриб чиқиш)га эриша олмайдилар, яъни коммуникатив муваффақиятсизликка учрайдилар.

*Мулоқот мавзуси* ҳам кодларнинг танланишига таъсир қилади. Масалан, бир тилшунос лингвистик фанлар доирасида маъруза қилганда ёки тилшунослар билан мунозара қилганда лингвистик терминлардан ташкил топган илмий услубдан фойдаланади. Лекин мавзу кундалик маиший ҳаётга ўтганда, бошқа субкод ўзгариши юз беради.

Инсоннинг кодларни алмаштириш қобилияти унинг тилни (ёки тил субкодларни) юқори даражада билишини, унинг муайян коммуникативлик ва ма-даният даражасини кўрсатади. Кодларнинг аралашуви механизми кишилар

орасидаги ўзаро тушуниш ва нутқий мулоқот жараёнининг қулайлигини таъминлайди. Аксинча, индивиднинг мулоқот шароитига кўра ўз нутқини тақсимлай олмаслиги аномалия сифатида қабул қилинишга ва коммуникатив тўқ-

нашувларга олиб келиши мумкин. Кодлар аралашувининг икки тури мавжуд:



1. Кодларнинг вазиятли аралашуви. Бунда тил ёки тилнинг мавжуд шаклларини танлаш расмий ва норасмий вазиятларга боғлиқ бўлади.

2. Кодларларнинг метафорик аралашуви. Ижтимоий вазиятнинг тўлиқ ўзгаришини эмас, балки унинг унсурларидан бирининг ўзгариши (мавзу ўзгариши, мулоқотчилар ўртасидаги ижтимоий-коммуникатив тўсиқларни бартараф қилиш йўналишининг ўзгариши)ни тақозо қилади.

Хуллас, *бир код тасарруфидан иккинчи код тасарруфига ўтиш* деганда сўзлашувчининг бир тилдан (ёки тил субкодларидан) бошқа бир тилга тўлиқ ўтиши тушунилади. Бир код тасарруфидан иккинчи код тасарруфига ўтишнинг бадий адабиётдаги намунаси сифатида Л.Н.Толстойнинг “Уруш ва тинчлик» романидаги рус зодагонлари нутқида рус тилининг француз тилига (ёки аксинча) алмаштирилишини кўрсатиш мумкин.

### **Интерференция**

Икки тилни биладиган шахс (билингв)ларнинг нутқида у қўллайдиган тилларнинг ўзаро таъсири кузатилади. Бу ўзаро таъсир нутқда, тилда, шунингдек, ҳар қандай тил ости тизимларида: фонетикада, грамматикада, лексикада намоён бўлиши мумкин.

*Интерференция* кенг маънода икки тиллилик шароитида тил системаларининг ўзаро таъсирини; икки тилли шахслар нутқида у ёки бу тил меъёри-

нинг бузилишини ифодалайди. Тор маънода икки тилли шахснинг оғзаки ва ёзма нутқида она тили таъсирида иккинчи тил меъёрларининг бузилишини англатади<sup>31</sup>.

Умуман, икки тилни биладиган шахснинг бир тилининг иккинчи тилга кўрсатган ҳар қандай таъсири ва бу таъсирнинг натижаси *интерференция* дейилади. Одатда, интерференция деганда, фақат назорат қилиб бўлмайдиган жараёнлар тушунилади, онгли равишдаги ўзлашмалар унга тааллуқли бўлмайди.

Интерференциянинг йўналишлари турлича бўлиши мумкин. Она тилининг иккинчи тилга интерференцияси кўпроқ кузатилади. Бироқ иккинчи тил асосий тилга айланганида у ҳам она тилига таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, ўзбек боласи руслар яшовчи ҳудудга кўчиб боради ва рус мактабида ўқий бошлайди. Аста-секин рус тили унинг она тилисига таъсир қила бошлайди ва у кўпроқ рус тилида гапира бошлайди. Масалан, унинг нутқида «*Мам, ужин қиламизми?*», «*Понедельник куну физкультура бор*». Ёки кўп йиллар давомида чет элда муҳожир бўлиб яшаган ўзбекларнинг нутқида ҳам бу таъсирни кўриш мумкин. Масалан, «*Ҳаммаси окей бўлади*», «*О, ес! Зўр бўлди*».

Россиядаги бозорлардан биридаги савдогарлар нутқида «*Такой прайс только за лейбл что ли?*» тарзидаги инглизча лексик интерференция асосида қурилган русча жумлани кузатиш мумкин. Мазкур матнда русча *ценалексемасининг* ўрнига инглизча *присе* сўзииндивидуал қўлланилган бўлиб, унда ёш (ёш-молодой), мавзу (тижорат), ҳолат (бозор) ва мақом («челнок») сингари ижтимоий омиллар иштирок этган.

Интерференция лисоний алоқалар назариясида марказий тушунчалардан бири ҳисобланади. У тил даражасига мувофиқ равишда қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

<b>Интерференция кўринишлари</b>			
<b>фонетик интерферен- ция</b>	<b>грамматик интерферен- ция</b>	<b>синтактик интерферен- ция</b>	<b>лексик- семантик интерферен- ция</b>

<sup>31</sup> Словарь социолингвистических терминов. –М., 2006. –С. 82.



*Фонетик интерференция* икки тилли шахс нутқида алоқадаги тилларнинг фонетик тизимидаги ўзаро таъсир ҳодисаси бўлиб, талаффуздаги акцентда намоён бўлади. Масалан, корейсларнинг ўзбекча нутқида <р> ва <л> ун-

дошларининг фарқланмаслиги (каравот → калавот, марта → малта), <з> ундошининг <ж> (Зухра → Жухра, зўр → жўр, зирак → жирак), <ф> ундошининг <п> деб талаффуз қилиниши (ҳафта → ҳапта, фасл → пасл) ёки русларнинг

ўзбекча нутқида <қ> нинг <к> (қиз → киз, қара → кара), <ғ> нинг <г> (тоғ → тог, оғримок → огримок) деб талаффуз ҳ.к.

*Грамматик интерференция* – икки тилли шахс нутқида она тили грамматик тузилишининг таъсири. Бу келишикларни қориштириш (уйга боради → уйда боради), феъл замонларини номувофиқ қўллаш (эртага келди), сон+от+-лар қолипини қўллаш (икки кишилар) ва ҳ.к.

*Синтактик интерференция* – икки тилли шахс нутқида она тили синтаксиси таъсирида синтактик қоидаларининг бузилиши (Келди у бизникига кеча).

*Лексик-семантик интерференция* – алоқадаги тилларнинг лексик-семантик даражадаги ўзаро таъсири, сўздаги маънолар фарқлиги натижасида

икки тилли шахс нутқида меъёрларнинг бузилиши; сўзларнинг боғланишидаги бузилиш; парафазия (нутқда бирон сўзни бошқа сўз ўрнида нотўғри қўллаш) ва ҳ.к. Масалан, *дугонам уйланди; огайним турмушга чиқди.*

Хуллас, интерференция индивидларга хос ҳодиса. Лекин оммавий икки тиллилик ҳолатларида бир турдаги интерференцион жараёнлар кўпчиликнинг нутқини тавсифлаши ҳам мумкин. Масалан, собиқ Шўролар даврида рус тили оммавий равишда турли тил эгаларининг нутқида таъсир кўрсатган.

#### **4-амалий машғулот. Ўрганилаётган тилни ўқитишда турли маданият вакиллари мулоқотидаги қийинчиликлар**

Кишиларнинг бирон ҳодисаёки ҳолатни тушунтириш мақсадида ишлатадиган қўл ҳаракатлар турли маданиятларда турлича маъно касб этади. Бунинг сабаби маданиятлараро раамзлар ватушунчаларнинг фарқланишидир<sup>32</sup>.

**Саломлашув.** Дунёдаги барча маданият халқлар ўзаро инсоний муносабат, муомала ва мулоқотни саломдан бошлашади.

Ҳар бир халқнинг саломлашиш билан боғлиқ ўзурф-одатлари бор.

Ўзбек ва корей халқларининг саломлашиш одати ёшга, шароитга, мавқега, жинсга ва маросимларга кўра турлича қиларда ижро этилади. Жумладан, ўзбеклар «ассалому алайкум» (арабча «сизгатаинчилик тилайман»),

<sup>32</sup>Schober O. Beden Dili: Davranış Anahtarı. Çeviren: Süeda Özbent. –İstanbul: Arion Yayınevi, 2003. – S. 163.

«ваалайкумассалом» («сизгаҳамтинчликтилайман») дея<sup>33</sup> иккиқўллаб, қўлиниқўксигақўйиб, қучоқлашиб, кифтларини, елкаларинисилаб-сийпаб, пешонаўтиб, узоқвақтқўришмагандабир-бириниқўтаришиб, аёлларелкақоқишиб, ўтишибсўрашишади.

Ўзбекмаданиятидақўлқовуштирибсаломлашиш (иккиқўлникиндикустигақовуштириб, бошсалолдинга эгилганҳолат) одати эркакларгахосбўлиб, қуйидагивазиятлардаамалгаоширилади:

1)ғоятхурматликексаниучратганда;  
2)тўйхонадарвозасиёнидатурганда (меҳмонларникутиболиш ёкикузатаётганда);  
3)таъзиягаборганда; тўй, байрам, бошқайиғиндастурхонларигатайёргарликқўришжараёнидаёшйигитларшундай ҳолатдатуради («хизматингизгатайёрман»)<sup>34</sup>.

Корейсмаданиятидасаломлашишгандабошҳамдагавданингбутунюқорик исмини эгиб, белнибукибтаъзимқилишади. Таъзимқилишчоғиданазокатва эҳтиромнингдаражаси, қаршидагикишинингёшига, жинсига, мансабига, мавқеийгақарабортибборади. Эркакларқўллариёнда, эркинҳолда, аёлларбўлса, эркакларганисбатанкўпроқ эгилганҳолда, қўлларинитиззаларинингустигақўйиб«аннёнгҳасеё», «аннёнгҳашибникка» («эсон-омонмисиз?») дебсўрашишади.

Корейсанъаналаривамаросимларидаҳамтаъзимқилишодатижудакеңгар қалган. Жумладан, никоҳтўйидакелиниккимарта, куёвбирмартабир-бирларига, сўнгракелиннингота-онасига, куёвнингота-онасигавамеҳмонларгатаъзимқилишади.

Бунданташқари, таъзимқилишҳаракатикорейскундалик-муомаласида«табриклаш», «илтимосқилиш», «кечиримсўраш»ва«миннатдорчиликизҳорқилиш»кабиқатормаъноларниҳамк асб этган. Айнимаъноларяпонмаданиятиучунҳамхосдир. Ўзбекларбумаъноларнибироз эгилиб, қўлиниқўксигақўйиббиланифодалашади.

Қатормаданиятлардақўлолишибсўрашиш, «тинчлик, омонликтилаш»маъносиниифодалайди. Қадимдаодамларқабила-қабилабўлибшашган, аксариятҳоллардабир-бирларигарақобатдабўлгангуруҳларнингвакиллари, «мана, қўлимдақуролим (болта, пичок, тош) йўқ, қўлимочиқ»мазмунидақўлолишибқўришишган. Шубиланбир-бирларигатинчлик, омонликтилашган<sup>35</sup>.

Ўзбекмаданиятидақўлберибсаломлашишмеъёрийҳолсаналади. Бироққўлберибсўрашишодатикорейсмаданиятигахос эмас. Шунгақарамай, 1945-йилданкейнамерикаликларнингтаъсиридатарқалабошлади<sup>36</sup>.

<sup>33</sup>СатторМ. Ўзбек удумлари. –Тошкент, 1993. –Б. 61.

<sup>34</sup><http://fikir.uz/posts/buxdu/14537.html>

<sup>35</sup>Саттор М. Ўзбек удумлари. –Тошкент, 1993. –Б. 62.

<http://www.happycampus.com/pages/2000/10/23/D1014397.html> 03-06-05;

<http://www.elections.spb.ru/elections/razdel9/bodysign.htm> 03-06-15.

<sup>36</sup>Choi Yunhee. Biono komunikeishon. –Seul, 1999. P. 62-63.

**Хайрлашув.** Ўзбекмаданиятидаёшикаттавамавқеиюқорибўлганшахслар ганисбатанқўлникўксигақўйиб,  
корейсмаданиятидатаъзимқилибхайрлашилади.

Ўзбекновербалмулоқотида«хайр»ишорасиёшитенгёкикичикбўлган, шунингдек, синфдош, курсдошёхудкасбдошларганисбатанқўлникўтариб, кафтиниюқориданпастгасилкитиб, корейсновербалмулоқотида эса, қўлникўтариб, чанданўнгасилкитибхайрлашилади.

**Розилик.** «Бирорфикрнитасдиклаш, розиликниифодалаш» маъносидагибоширғатиш – бошниюқориданпастгавапастданюқоригабирмартаёкибирнечамартасилкитиш ҳаракати деярлибарчахалқларнингновербалмулоқотидакузатилади. Баъзанмазкурҳаракатсуҳбатдошини эшитиш, унинггапларинимаъқуллашмаъносидаҳамқўлланилади. воситасидаҳамифодаланади.

Боширғатишҳаракатибаъзанифодагамосбўлмаслиғиҳаммумкин. Масалан, ўзбекларбоширғатиб, «яхши, ўйлабқўрамиз, маслаҳатлашибқўрамиз» деганида, «розилик» эмас, балки«йўк» маъносикуздатутилганҳолларҳамкузатилади.

**Инкор.** «Йўк» жавобинибилдиришмаъносидагибошчайқамоқ – бошнииккиёнгабирнечамартабуришмаданиятларнингаксариятидакенгтарқалганҳаракатларданбиридир.

Ўзбекмаданиятидабошнииккиелкатомонбирнечамарта эгишҳаракатиғаҳамбошчайқамоқдейиладивау«таассуфланиш» маъносидақўлланилади. Мазкурҳаракаткорейсларда«иккиланмоқ, тараддудланмоқ» («ҳалка-малка») маъносидаижро этилади.

Аксариятмаданиятларда«инкор»ёки«йўк»тушунчалариқўлёкиқўрсаткич бармоқнииккиёнгабирнечамартасилкитишорқалиҳамифодаланади.

**Кечиримсўраш.** Ўзбекмаданиятидаўнқўлникўксигақўйиб, корейсмаданиятидатаъзимқилиб, кечиримсўралади. Корейскундаликмуомаламаданиятидабиронножоизҳаракатсодирбўлгандакатт аларнинг, шунингдек, бошлиқларнингқаршисидатизчўкиб («мурипккулда») кечиримсўрашодатикенгтарқалган.

Ҳокимсинфқаршисидатизчўкиб«бирқошиққонимданкечинг»деякечиримсўрашодатибирпайтларўзбеклардаҳамбўлган, бироқҳозиргикундабуодатйўқолибкетган.

Корейсновербалмулоқотида«кечиримсўраш»ҳамда«ўтинибсўрамоқ, илтижоқилмоқ, ёлвормоқ» («билда») маъноларикафтларнибир-биригаишқалашорқалианглашилади.

Ўзбекновербалмулоқотидаушбуҳаракат«умидворбўлмоқ» маъносинибилдирад и<sup>37</sup>.

Ўзбекмаданиятидапешанасигауришқўлҳаракати«е, аттанг» маъносида, корейсмаданиятида эса«қилганишиданафсусланиш, пушаймонбўлиш»

<sup>37</sup> Usmanova Sh. O'zbekcha va Koreyscha so'zsiz muloqotning milliy-madaniy xususiyatlari // International Journal of Central Asian Studies. Vol. 9. - Seoul, 2004. –P. 52.

(«шилсу») маъносидақўлланилади.

**Нарсаларни узатиш ва олиш.** Ўзбек маданиятида «хурмат-иззат» маъносида чой, овқат ва шунга ўхшаш нарсалар ўнғқўл билан, қўлини кўксига қўйиб узатилади. Аёллар чап қўлини ўнғқўлининг тирсагига, баъзан кўксига қўйиб узатишади. Узатган одамнинг ёши улуг бўлса, қаршидаги киши ҳамайнан шушаклда олиши керак бўлади.

Бу одат корейсларда жуда кенг тарқалган бўлиб, катталарга нарса берганда ўнғқўли билан, чап қўлини ўнғқўлининг тирсагига, баъзан кўксига қўйиб узатишади. Шубилан бирга, нарсаларни қўшқўллабузатиши ёки катталардан олганда қўшқўлла болиш одати ҳам кўп узатилади.

Ҳатто дўконлардагисотувчилар харидор узатган пулни ярим таъзим ҳолатида, икки қўлла болишади, қайтимни ҳам икки қўллаб қайтаришади.

**Чақириш.** Ўзбеклар қўлини олдинга узатиб, кафтини оқори га қаратиб тўртта бармоқ ёки кўрсаткич бармоқ билан «буергак ел» дебиш ора қилишади.

Корейсларда бу иш ораитларни чақириш чунқўлланилади.

Корейсно вербал мулоқотида бирон кишини чақириш чунқўлини олдинга узатиб, кафтини пастга қаратиб тўртта бармоқни силкитиш ҳаракати дан фойдаланилади.

### **Кўрсатиш.**

Ўзбек маданиятида кўрсаткич бармоқ тўзрига йўналтириш ҳаракати бирон киши ёки нарсани кўрсатиш чунқўлланилса, Узок Шарқ маданиятида кўрсаткич бармоқ билан кўрсатиш тарбиясизлик, одобсизлик ҳисобланади; шунинг учун ҳаммазкур маданиятларда бирон киши, нарса, жой ёки йўл сўралганда кафтларини оқори га ёзиб, кўрсатиб иш ора қилинади. Ўзбеклар «мен», «менми?» маъносида бош ёки кўрсаткич бармоқ билан ўзини ниқтаб корсатса, корейслар кафти билан ўзини кўрсатади.

**Жудаяхши.** Маданиятларнинг кўпида бош бармоқни кўрсатиш ҳаракати «жудаяхши», «зўр», «михдай» маъноларини ифодалайди. Корейсно вербал мулоқотида «жудаяхши» маъноси дан ташқари «бошлиқ» («удумори») ва «муҳр» («дожанг») каби маъноларни ҳам билдиради.

**Ваъда бериш.** Корейсно вербал мулоқотида жимжилоқ бармоқни илгак қил иш – икки кишининг жимжилоқ бармоқларини бир-бирига туташтириб, илгак ҳолати га келтириши кўпинча ёш болалар га ҳосқўл ҳаракати бўлиб, ўзаро ваъда бериш, аҳдлашишнинг грамматикаси билан ишлади. Мазкур қўл ҳаракати дан аразлашиб қолган ўзбек болалари ярашиш чун фойдаланилади.

**Эркалатиш.** Европа, Америка, Ўзбекистон ва ҳ.к. мамлакатлар маданиятида болаларни, севгилисини ёки бирон бир ҳайвонни эркалатиб, бошини силаш меъёрий ҳол ҳисобланади. Корейслар «баракалла!» («чалҳессо!») ифодасини бошини силаш ҳаракати орқали билдиришади. Бироқ айрим Осиё мамлакатлари да бундай ҳаракат ноқулай вазият ни юзагачи қаради. Чунки, Ҳиндистон ва Шри-Ланка даруҳнинг бошда бўлишига ишонилади.

## Масофа.

Суҳбатдошларорасидагимасофановербалмулоқотнингмуҳимкомпонентларида  
нҳисобланади. Кишиларўртасидагимулоқотдамасофанинг 4  
хилкўринишифарқланади:

1) 50 см – интиммасофа.

Агарсуҳбатдошларорасидабундайяқинмасофабўлса,  
уҳолдауларнингўртасидаишқиймуносабатмавжудбўлади.

Ёкибундаймасофасуҳбатдошларнингжудақалиндўст эканлигиникўрсатади.  
Демак, инсонларниқанчаликкўпданберибилсак,  
суҳбатчоғидауларгашунчаликяқинлашамиз.

2) 50-120 см – шахсиймасофа.

Мазкурмасофабирхилижтимоиймавқедагиҳамкорларучунмўлжалланган.

3) 1,2 - 4 метргача – расмиймулоқотгамўлжалланганмасофа.

Раҳбарнингунингқўлотидагиҳодимларибиланмулоқотичоғидаанашундайора  
лиқсақланади.

4) 4 - 7,5 метргача – оммавиймасофа.

Бирқанчакишиларнинграсмиймулоқотинианглатади.

Маданиятларўзаросуҳбатчоғидакишиларорасидагимасофанингузоқ-  
яқинлигигақўрамулоқотливамалоқотсизмаданиятларгаажралади<sup>38</sup>.

Ўзбекмаданиятидасаломлашиш 2 дақиқадан 5 дақиқагачадавом этади,  
саломлашувсўзлариданкейин, албатта, суҳбатдошнингаҳволи,  
меҳнатфаолияти, оилааъзоларинингумумийаҳволихақидасўралади.

Ўзбеклартезфурсатдахол-

аҳволсўрабкетибқолишданистиҳолақиладиларёкиушбуҳолатниҳурматсизлик  
айўйишади. Саломлашишжараёнипаралингвистиквоситалар

(қўлузатибкўришиш(эркакларда), юзуриштириб, елкагақоқиб,  
қўлиданушлабкўришиш) биланҳамоҳангтарздаолибборилади. Саломлашишда  
эмотсияхамролўйнайди, яъниочикчеҳрабилантабассумқилиб,  
очиққўнгиллиликваўтасамимиятбилансўрашилади.

Суҳбатдошларўртасидагимасофа 60-80 см.ниташкил этади<sup>39</sup>.

УзоқШарқмаданиятида, аксинча,

суҳбатчоғидатегишдаражасинингпастлигивамасофанингузоқлигикузатилади.

Корейсхалқи мулоқотидасуҳбатдошгажудаяқинлашиш, қўлтегишиш,  
униқучоқлаш, ўпишкабиҳаракатлархушланмайди.

Хуллас, маданиятлараромулоқотда, айниқса,

новербалвоситаларнитўғриталқинқилиш, уларнингўзигахосхусусиятлариниўрганишмуҳимаҳамияткасб  
этади.

Турлимаданиятлардагиновербалвоситаларнитадқиқ

этишмаданиятлараромулоқотдаюзагачикадигантўқнашувларни,

коммуникативхатоларниолдиниолади, маданийшокҳолатинибартараф этиб,  
коммуникациянингмуваффақиятлиवासамаралибўлишинитаъминлайди.

<sup>38</sup> <http://www.krugosvet.ru/articles/82/1008258/1008258a1.htm> 03-06-16.

<sup>39</sup> Юсупова Д.И. Маданиятлараро мулоқотда ўзбек ва олмон тилларида саломлашув концептининг  
ифодаланиши // <http://fikir.uz/posts/poems/9374.html>

## **5-амалий машғулот.Маданиятлараро мулоқотда муҳим аҳамият касб этган маданиятга мослашиш. Маданиятлараро тўсиқлар ва тўқнашувлар, маданий ва лисоний шок ҳодисалар**

Корея кўп маротаба босқинчилар келган ярим оролдир. Япон империяси ҳукумронлигининг тарихий тажрибаси Корея маданиятига салбий таъсирини кўрсатди. Натижада Корея аҳолиси янги ёки тушунарсиз бўлган нарсаларга ишончсиз, салбий муносабатда бўлди.

Индивидуал ҳислатлар устуворлик қилган Ғарбий маданиятдан фарқли ўлароқ, корейс маданияти вакиллари жамиятда ажралмасликка, асосий оммадан фарқланмасликка ҳаракат қиладилар. Бу корейслар ҳаёт тарзининг асосий томони, белгисидир. Маълум бўлганидек, корейслар барча нарсаларда ноаниқлик ҳиссиётини истисно қилувчи миллат ҳисобланади ва бу уларнинг ҳаёт тарзига, жамиятдаги муносабатларига ва қонунга риоя қилишларида ўз таъсирини кўрсатди. Бирон ким ёки бир нарсага тақлид қилишга бўлган тенденция корейс жамиятини идентификацияловчи асосий омилдир. Бошқаларга тақлид қилишни ёқтирмаган Ғарбий мамлакатларидан фарқли ўлароқ, корейлар бир хил кийимни кийишга, модада бўлган фирманинг яли телефонларидан фойдаланишни афзал кўрадилар. Ҳаттоки, квартираларни «фирма белгиси» билан афзал кўриб, машинани ҳам асосан, энг оммавий ишлаб чиқарувчидан харид қиладилар.

Аксарият хорижликлар Кореялаги хусусий маълумотга салбий, скептик муносабатда бўладилар. Агар оила таъминланган бўлса, унинг оиланинг фарзандлари хусусий мактабда таълим оладилар, аммо хусусий мактабдаги предметлар, фанлар ёки сабоқ берилиши давлат мактабларидан фарқли эмасдир, бу ҳам тенденцияга айланди. Ташқи кўриниш индивидуалликни, бир хил кийим эса, индивидуалликни истисно этади, деган фикр мавжуд. Альтернатив мактабларда ёки уйда таълим беришда таълимнинг давлат тизимидан чекинишга ҳаракат кузатилади, шу сабабли уларни нотўғри деб ҳисоблайдилар.

Аксарият ҳолларда «нотўғри» деган сўз остида «бошқалардан фарқли» деган тушунча мавжуд. Бу корейслар бошқаларга ўхшашни истаганлиги фактини тасдиқлайди.

Г.Хофстед<sup>40</sup> тадқиқотига мувофиқ, корейслар тўқнашув ва можароларни ёқтирмайдилар, шу сабабли ноаниқликдан воз кечишга ҳаракат қиладилар. Инсон бирон-бир сабабларга кўра, нарса борасида безовталанганида ноаниқлик ҳисси меъёрий ҳолатдир. Ноаниқлик ва безовталиқ ўртасидаги фарқлар биринчи ҳолатда, маълум объект талаб қилинганда, иккинчи ҳолатда эса, ҳеч қандай объект керак эмаслигидан иборатдир.

---

<sup>40</sup> Hofstede G. (1991), Culture and Organizations: Software of the Mind. London: Macgraw Hills.

Корейсларда безовталиқ ҳиссиёти маълум ишораларни қўллашда, нутқ суръатини ўзгаришида, хулқ, ҳиссиётларнинг ўзгаришида ўз ифодасини топади, буларнинг барчаси жамиятда қабул қилинган ҳолатлардир. Ишончсизликни намоён этилишининг юқори даражали миллатда эмоционал агрессия фаол тарзда бандлик, безовталиқ тенденцияси кузатилади.

Мазкур маданият вакиллари потенциал душман бўлган ишончсизлик билан кураш олиб бориб, уни бартараф этишга ҳаракат қиладилар.

Корейслар ҳаёт тарзида маълум тенденция мавжуд. У кийим услубида, соч турмаги, сумка ва мебалларни танлашга намоён бўлади. Масалан, агар мавсумий асосий тренди қора ранг бўлса, унда ҳар бир корейс шундай рангдаги кийим ёки аксессуарга эга бўлиши лозим. Корейда жаҳон кубоги бўлганида кубок очилишида корейс қизил рангли кийим кийдилар, бу эса, «қизил шайтон» рамзи эди. Маълум трендга риоя қилиш, тақлид қилиш асосида ишончсизлик тенденцияси ётади.

Ишончсизлик қабул қилинган маданиятда хулқ-атвор қоидаларининг турли хиллари кузатилади. Қарама-қарши маданиятда эса, у ёки бу меъёрларни қабул қилмаслиги учун қатъий қоидалар, ҳаттоки, жазо мавжуд.

Биринчи маданиятда ўқитувчи ўқитиш хусусиятига эга бўлган барчасини билиши, талабалар эса, ўқитувчини дарс бериш услубини баҳолаш ҳуқуқига эгадир. Иккинчи маданиятда эса, ўқитувчиларнинг барчаси профессионал бўлиб, барча саволларга жавоб беришлари лозим деган фикр устуворлик қилади.

Корея Осиёнинг Шарқий қисмида жойлашган бўлганлиги ва уч томондан океан билан қамраб олинганлиги сабаб тарихий жиҳатдан бошқа мамлакатлар билан алмашинув жуда ҳам паст даражада бўлган. Европа ва Ғарбий Осиё мамлакатлари билан эса, умуман ҳеч қандай алмашинув бўлмаган. Бу ўтмишда Корея Хитой ва Япония томонидан босиб олинганлиги билан боғлиқдир. Шу сабабли бошқа мамлакатлар уни алоҳида давлат сифатида қабул қилмаганлар. Кейинчалик Кореяни бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлиги салбий воқеалар билан боғлиқ, масалан, ҳарбий ҳаракатлар, колонизация, мустамлака ва унинг ҳудудида Америка қўшинларини узоқ муддат бўлиши. Натижада корейсларда бошқа миллатларга нисбатан салбий муносабатлар устуворлик қилади.

#### **IV. КЕЙСЛАР БАНКИ**

**1-кейс баёни:**



# Корейс тилида муурожаат сўзлари



## 1. 높임 표현이란 과연 무엇인가?

남자 : 계십니까? 저 옆집인데요.

집주인 : 아, 새로 이사 오신 분들인가 봐요.

여자 : 네, 잘 부탁드립니다. 이거 변변치 않지만 떡 좀 가져왔어요.  
드셔 보세요.

집주인 : 아이 고마워라. 맛있겠네요. 잘 먹을게요. 우리 아이가 좋아하겠네요.  
애, 철수야, 이리 와서 옆집 아저씨, 아주머니께 인사드려라.

철수 : 안녕하세요.

남자 : 철수 참 잘 생겼네. 몇 살이니? 우리 집 애랑 비슷할 것 같다. 우리 집 애랑  
친구 해라.

여자 : 부군께선 아직 집에 오지 않으셨나 봐요?

집주인 : 예, 그이가 항상 늦어요.

## 2. 높임 표현의 언어 외적 요인

높임 표현은 문장의 내적인 요소보다 언어 외적 요소에 상당히 의존하고 있다. 즉 대화자 간의 사회적 관계, 대화의 장면, 화자의 의도 등이 높임 표현을 선택하는 데 중요한 요인이 된다. 이 중에서 대화자 간의 사회적 관계는 지위 관계와 친소 관계로 나눌 수 있다. 지위 관계는 나이나 지위 등 계층적 서열의 높고 낮음을 의미하고, 친소 관계는 거리감이 있고 없음에 따른 친밀도를 의미하는 것이다. 그렇다면 지위 관계와 친소 관계 중에서 어느 것이 높임 표현에 더 강력한 요인이 될 수 있을까? 대체로 사람들은 친소 관계보다는 지위 관계를 중시한다. 높임 표현에 우선적으로 영향을 주는 요소들을 정리해 보면 다음과 같다.

### 친족 서열(항렬)-직장 서열(직위)-연령 서열(나이)-친분

이 밖에도 대화의 장면은 여러 가지 대화의 상황을 의미하는데, 격식적인 장면, 공식적인 장면, 청자가 여럿인 장면 등이 높임 표현을 결정하는 중요한 요인이 될 수 있다.

### 3. 어휘에도 등급이 있다. 특별한 어휘들

1. 자네 (твой), 아버님은 요즘도 편찮으신가?  
영희야, 너희 어머님께 말씀드려야 하지 않을까?  
할아버지께서 진지를 잡수신다.  
영호야, 선생님의 말씀을 잊지 말고 꼭 기억해라.

2. 저희집사람이 음식을 잘합니다.  
내가 선생님께 말씀 드렸는데, 믿어주지 않으셔.

#### 부름말

Judy, pick up the sock!  
Pick up the sock!

어머니!  
아기양말좀주워주세요.  
양말 주주세요.

등부	호칭	예
6	지위+님	교수님, 선생님, 과장님
5	성+지위+님	김 교수님 이 과장님
4	(성)+지위	(김)선생
3	자네, 여보게, 군, 양	자네, 여보게, (김)군, 김양
2	이름+이	인선이, 명환이
1	이름+야,너	철수야, (너)...

4. 셋째시간이되어리듬합주연습을했는데, 중간에오즘이마려워참을수가없었다.  
그래서선생님께말씀드렸더니선생님께서허락하셨다.  
“급하니? 그럼, 얼른갔다와.”  
그런데선생님의허락을받고화장실로뛰어가다가너무급해그만바지에오즘을싸고말았다.  
너무창피했지만어쩔수없이누가볼까두리번거리면서화장실에서나왔는데갑자기친구건회가나타나깜짝놀랐다.  
“야! 너정말못됐구나!”  
“무슨소리니? 빨리들어가자.”  
나는너무부끄러웠다. 다음부터는조심하고, 어디가면꼭오즘을누고가야겠다.

## 2-кейс баёни



전화에는여러가지서비스가많이있습니다.

전화번호를몰때는 114에전화를걸면됩니다.

그러면안내원이전화번호를가르쳐줄겁니다.

다른사람집에전화를하는데그쪽전화가고장이난것

같은면 110번으로전화하면됩니다. 112번은무엇일까요? 범죄신고번호입니다. 정확한시간을알고싶으면 116으로전화하면됩니다. 불이나거나위급한상황일때는 119로전화하십시오. 오늘이나내일의날씨를알고싶으면 131에전화하십시오.

## 과제 №1

### 제 1 그룹

문제 1. 칠문에 대해 답해 주세요. 호칭은 무엇입니까?

문제 2. 벤나 (Venna) 그래픽 조직자를 사용해서 가족에서 부르는 말과 직장에서 부르는 말의 비교 지도를 만들어 보세요.

문제 3. 다른 그룹 지식을 알아보기에 칠문 3가지씩 만들어 보세요.

### 제 2 그룹

과제 1. 지칭은 무엇입니까?

과제 2. 벤나 (Venna) 그래픽 조직자를 사용해서 호칭과 지칭의 비교 지도를 만들어 보세요.

문제 3. 다른 그룹 지식을 알아보기에 칠문 3가지씩 만들어 보세요.

### 제 3 그룹

과제 1. 부르는 말의 종류가 어떻게 됩니까?

과제 2. '모르는 사람을 부르는 말'란 표를 적어 주세요

단어	의미	특징

과제 3. 다른 그룹 지식을 알아보기에 칠문 3가지씩 만들어 보세요

## 과제 №2

텍스트를 읽고 통역하고 호칭과 지칭을 표시해 주세요

**3-кейс баёни.**



### 인사

사람들이 서로 만났을 때 인사를 한다.  
한국의 전통적인 인사는 절을 하는 것이다.

절에는 평절과 큰절이 있는데, 남녀가 하는 방법이 다르다.  
평절은 보통 인사드릴 때나 세배할 때 하고,

큰절은 혼례나 제사 때 한다.

절을 할 때는 두 손을 마주 잡고 바닥에 댄 뒤에 무릎 여자도 큰절을 할 때는  
두 손을 모아 아이마에 댄 뒤에 양발의 뒤축을 붙이고 앉은 다음 몸을 숙인다.

오늘날에는 흔히 서서 허리를 굽혀 인사하거나 악수로 대신하기도 한다.



Koreada kichiklar kattalarga uch marta egilib salom berishadi va shu tariqa kattalarga o'z hurmatlarini namoyon qilishadi. Hayotdan ko'z yumganlarga esa ikki marta egilib salom beriladi. Bunda ayol va erkaklarning harakatlari bir - biridan farqlanadi.

1.여러분, 안녕하세요. 수요일밤 KBS 9시뉴스입니다. 노무현대통령은올한해모든수단을다해서경제살리기에힘쓰겠다면서특히중소기업지원을다짐했습니다. 송현정기자가보도합니다.

2.안녕하세요. 반갑습니다. 예, 저도그런생각을해봤어요. 앞에서자우림의김윤하씨가내년에는전쟁이없는그런세상이왔으면 좋겠다고바랬는데요. 저는솔로들이없는세상들이없는세상이왔으면 좋겠다는생각을했어요. (중략) 오늘이렇게보니까연인분들이많이오셨어요. (하략)

3. 남자 : 계십니까? 저옆집인데요.  
 집주인 : 아, 새로이사오신분들인가봐요.  
 여자 : 네, 잘부탁드릴게요. 이거변변지않지만떡좀가져왔어요. 드셔보세요.  
 집주인 : 아이고마워라. 맛있겠네요. 잘먹을게요. 우리아이가좋아하겠네요.  
 애, 철수야, 이리와서옆집아저씨, 아주머니께인사드려라.  
 철수 : 안녕하세요.  
 남자 : 철수참잘생겼네. 몇살이니? 우리집애랑비슷할것같다. 우리집애랑 친구해라.  
 여자 : 부군께선아직집에오지않으셨나봐요?  
 집주인 : 예, 그이가항상늦어요.

1.여러분, 안녕하세요. 수요일밤 KBS 9시뉴스입니다. 노무현대통령은올한해모든수단을다해서경제살리기에힘쓰겠다면서특히중소기업지원을다짐했습니다. 송현정기자가보도합니다.

2.안녕하세요. 반갑습니다. 예, 저도그런생각을해봤어요. 앞에서자우림의김윤하씨가내년에는전쟁이없는그런세상이왔으면 좋겠다고바랬는데요. 저는솔로들이없는세상들이없는세상이왔으면 좋겠다는생각을했어요. (중략) 오늘이렇게보니까연인분들이많이오셨어요. (하략)

3. 남자 : 계십니까? 저옆집인데요.  
 집주인 : 아, 새로이사오신분들인가봐요.  
 여자 : 네, 잘부탁드릴게요. 이거변변지않지만떡좀가져왔어요. 드셔보세요.  
 집주인 : 아이고마워라. 맛있겠네요. 잘먹을게요. 우리아이가좋아하겠네요.  
 애, 철수야, 이리와서옆집아저씨, 아주머니께인사드려라.  
 철수 : 안녕하세요.  
 남자 : 철수참잘생겼네. 몇살이니? 우리집애랑비슷할것같다. 우리집애랑

친구해라.

여자 : 부군께선아직집에오지않으셨나봐요?

집주인 : 예, 그이가항상늦어요.

## V. ГЛОССАРИЙ

№		
1	АССИМИЛЯЦИЯ –	маданиятга мослашишнинг варианты бўлиб, бунда киши ўз маданиятининг қадрият ва меъёрларидан воз кечиб, ўзга маданиятнинг қадрият ва меъёрларини тўлалигича қабул қилади
2	АУДИТОРИЯ –	ахборотни қабул қилиш ва қайта ишлашига кўра ижтимоий гуруҳлар ва уларнинг психофизиологик хусусиятлари жиҳатидан фарқланиш
3	БИХЕВИОРИЗМ (ингл. беҳавиор – феъл-атвор)назарияси	XX асрнинг бошларида АҚШда вужудга келди. Мазкур назарияга кўра, психологиянинг предмети тафаккур эмас, балки инсоннинг феъл-атворидир. Чунки, бихевиористларнинг наздида тафаккурни бевосита кузатиб ёки ўлчаб бўлмайди. Бихевиоризм психикага кишининг ҳаёти ва фаолияти контекстини киритади ва уни ташқи таъсирлар ҳамда организмнинг физиологик хусусиятлари билан боғлайди. Бихевиоризм нуқтаи назарича, маълумқа (бу одам ёки жонивор бўлиши мумкин ва ҳ.к.) таъсир қиладиган қандайдир стимул (С) ва ушбу стимулга қандайдир реакция (Р) бор (С -> Р)
4	ДИСКУРС –	(француз тилидан «диссоурс») матннинг оғзаки сўзлашув шакли, диалог, бир-бирига маъно жиҳатидан боғланган мулоҳазалар йиғиндиси, нутқий асар. Дискурс шахснинг руҳий ҳолати, ички кечинмалари, тафаккур малакаси



		каби рухийидрокий хусусиятлар билан узвий алоқадор бўлади. Шу билан бирга, шахсинг муайян ижтимоий гуруҳга мансублиги, ижтимоий мавқеи, саводхонлик, тафаккур, маданият даражаси ва ҳ.к. дискурсинг тузилишига катта таъсир кўрсатади.
5	ЭТНИК ГУРУҲЛАРАРО КОММУНИКАЦИЯ –	турли халқ (этник гуруҳлар) вакиллари ўртасидаги мулоқот. Кўпинча жамият ўзининг фарқли субмаданиятини яратадиган сон жиҳатидан турлича бўлган этник гуруҳлардан таркиб топади. Этник гуруҳлар ўз субмаданиятларини авлоддан-авлодга мерос қилиб қолдиради. Бу эса мазкур субмаданиятнинг ҳукмрон маданият ичида ўзлигини сақлаб қолишини таъминлайди
6	ЭВФЕМИЗМ(юн. – «яхши» ва «нутқ», «сўзлашув»дан келиб чиққан бўлиб, сўзма-сўз таржима қилганда «яхши аломатли сўз» маъносини ифодалайди)	Эвфемизм – нарса-ҳодисанинг анча юмшоқ шаклдаги ифодаси; кўпол беадаб сўз, ибора ва табу ўрнида кўпол бўлмайдиган сўз (ибора)ни қўллаш. Масалан, иккиқат, бўғоз сўзлари ўрнида ҳомиладор, оғир оёқли сўзларини қўллаш. Ёки чаён сўзи табуга учраган, қўлланиши ман қилинган бўлиб, унинг маъноси эшак сўзида ифода топган.
7	ФУНКЦИОНАЛ ЁНДАШУВ –	шахс ва коммуникацияни ўрганишдаги назариялардан бири. Бу йўндашувга кўра, шахсни бир томондан ўзлик, иккинчи томондан жамоа аъзолиги яратади. Ўзлик бир қанча шахслардан таркиб топади ва бу шахслар тушунчаси маданият билан боғлиқ бўлади. Халқнинг маданиятини турли методлар ёрдамида тасвирлаш мумкин. Шунингдек, маданиятдаги ҳар қандай ўзгаришни ҳам тасвирлаш

		ва ўлчаш мумкин. Маданият инсоннинг феъл-атвори ва муомаласини белгилайди. Шунинг учун уларни ҳам тасвирлаш ва олдиндан айтиш мумкин бўлади
8	ГЕНДЕР –	социо-маданий категория бўлиб, жинслар ролини анъанавий ўрганишни назарда тутмайди. Гендер – ижтимоий ва психологик жараёнларнинг йирик 119 мажмуи, шунингдек, жамиятда вужудга келадиган ва миллий лисоний шахснинг ахлоқига таъсир кўрсатадиган маданий кўрсатмалар, қоидалардир
9	ГЕНДЕР ХУСУСИЯТ –	маскулинизм ва феминизм маданий тушунчалари ҳамда аёллик ёки эркакликнинг ўзига хос хусусиятлари
10	ГУРУҲЛАРАРО КОММУНИКАЦИЯ –	муайян гуруҳ ичидаги ёки гуруҳлараро мулоқот. Шунингдек, «мулоқотчи ва гуруҳ» кўринишида, масалан, сиёсат арбоби билан суҳбат бўлиши мумкин
11	ҲОКИМИЯТ МАСОФАСИ –	маданият ўлчовларидан бири. Бу ўлчовга кўра, жамиятлар ҳокимият масофа даражаси юқори ва ҳокимият масофа даражаси паст турларга ажратилади. Ҳокимият масофа даражаси юқори бўлган жамиятларда иерархия (поғона) меъёрий ҳодиса ҳисобланади. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси жамиятда, оилада ва касбий фаолиятда маълум мавқега эга бўлади. Ҳокимият масофа даражаси паст бўлган мамлакатлар сифатида Англия, АҚШ ва Скандинавия давлатларини кўрсатиш мумкин. Япония, Корея, жумладан, Ўзбекистон ҳам хизмат иерархияси ва катта ёшлиларнинг



		обрўси юқори кўрсаткич хисобланадиган давлатлар қаторига киради
12	ҲУДУДЛАРАРО КОММУНИКАЦИЯ –	турли вилоятларда яшовчилар орасида юзага келади. Бинобарин, муайян вазиятда турли вилоят вакилларининг феъл-атворидаги фарқлар кўзга ташланади. Масалан, тошкентликлар ва водийликлар мулоқот чоғида ўзига хос қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Жумладан, Тошкентда ўзидан кичикларни сенсираб гапириш (бу тошкентликлар учун самимийлик белгиси, водийликлар учун кўполлик белгисини ифодалайди), водийнинг аксарият ҳудудларида ўзидан кичикларни сизлаб гапириш одатий ҳол саналади
13	ҲУДУДИЙ ХАРАКТЕР –	шахсининг муайян географик ҳудудга хос бўлган хусусиятлари. Дунёнинг турли ҳудудларида алоҳида, ўзига хос муҳим маданий хусусиятлар мавжуд. Шимолий Шотландиядаги тоғлик ҳудуди Шотландиянинг пасттекисликларидан мутлақо фарқ қилади ва тоғликлар жуда кучли ҳудудий характери билан ажралиб туради. Ҳудудий характер кундалик-маданий турмушдаги бир-биридан фарқ қиладиган миллий таомлар, кийим-кечаклар, хулқ-атвор ва тилнинг ўзига хос хусусиятларини намоён этади
13	ИЖТИМОЙ- КОММУНИКАТИВ ТИЗИМ –	муайян лисоний ҳамжамиятда қўлланиладиган, функционал жиҳатдан бир-бирини тўлдирадиган, ўзаро алоқада бўлган кодлар ёки субкодлар мажмуи
	ИНТЕГРАЦИЯ –	ҳам эски, ҳам янги маданиятларнинг ўзига хос

		хусусиятларини намоён этади
	ИНТЕРФЕРЕНЦИЯ –	кенг маънода икки тиллилик шароитида тил системаларининг ўзаро таъсирини; икки тилли шахслар нутқида у ёки бу тил меъёрининг бузилишини ифодалайди. Тор маънода икки тилли шахснинг оғзаки ва ёзма нутқида она тили таъсирида иккинчи тил меъёрларининг бузилишини англатади. Умуман, икки тилни биладиган шахснинг бир тилининг иккинчи тилга кўрсатган ҳар қандай таъсири ва бу таъсирнинг натижаси интерференция дейилади
	ИЗОҲЛОВЧИ ЁНДАШУВ –	шахснинг динамик табиати, унинг бошқа кишилар билан хабар алмашиши, муҳокама қилиши, мулоқот қилиши орқали шаклланишига асосланади Бу кишининг ўз шахси ҳақидаги тасаввурларининг оддий эмаслигини билдиради. Изоҳловчи ёндашувнинг мақсади инсон феъл-атворини олдиндан айтиб бериш эмас, балки уни тушуниш ва тасвирлашдан иборат. Тушуниш – индивидларнинг ўзларини тавсифлаш жараёни бўлса, тасвирлаш – бошқалар томонидан шахсга бериладиган тавсиф жараёнидир
	ЖАМОАВИЙ КОММУНИКАЦИЯ –	шахслараро мулоқот тури, унда маърузачи, жамоат арбоби билан аудитория иштирок этади
	ЖЕСТЛАР –	коммуникация жараёнида инсон нутқининг тана, қўл ёки бармоқларнинг ҳаракатлари билан бирга кечадиган ва кишининг бевосита суҳбатдошига қаратилган, қандайдир ҳодисага, қандайдир шахсга, қандайдир нарсага бўлган муносабатини

		ифодалайдиган турли ҳаракатларидир. Кишиларнинг бирон ҳодиса ёки ҳолатни тушунтириш мақсадида ишлатадиган қўл ҳаракатлари турли маданиятларда турлича маъно касб этади. Бунинг сабаби маданиятлараро рамзлар ва тушунчаларнинг фарқланишидадир
	КОД –	мулоқот воситаси бўлиб, у табиий тиллар (ўзбек, рус, инглиз ва ҳ.к.) ҳамда сунъий тиллар: эсперанто ёки замонавий машина тиллари, морзе алифбоси, турли сигналлар ва бошқаларни ўз ичига олади. Тилшуносликда код деганда лисоний шакллар: тил, худудий ёки ижтимоий диалект, шаҳар койнеси тушунилади
	КОДЛАР АРАЛАШУВИ (ёки бир код тасарруфидан иккинчи код тасарруфига ўтиш) –	нутқий мулоқот чоғида сўзловчининг коммуникация шароитидан келиб чиққан ҳолда, бир тилдан (ёки тил вариантларидан, диалектдан, услубдан) бошқа бир тил кўринишига ўтиши
	КОММУНИКАТИВ ВАЗИЯТ –	икки ёки ундан ортиқ кишилар нутқий мулоқотининг вазияти
	КОММУНИКАЦИЯ – (лот. соммунисатион, соммунис «умумий») –	хабарни узатиш, фикр ва маълумотлар алмашинуви, яъни мулоқот қилишдир. Коммуникация – мулоқот акти, икки ёки ундан ортиқ киши ўртасидаги ўзаро ҳамфикрликка асосланган алоқа. Коммуникация – кишиларнинг бир-бири билан алоқа ўрнатиш ва ҳиссиётларини тушуниш воситаси. Коммуникация – тафаккурдаги рамзлар, уларни замон ва маконда узатилишини ўз ичига олган механизм бўлиб, у инсон муносабатларини

		таъминланлашга ва ривожлантиришга хизмат қилади.
	КОММУНИКАЦИЯ МАНБАСИ –	ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли ахборотни кенг тарқатиш билан шуғулланадиган ташкилотлар: оммавий коммуникация соҳасини кўллаб-қувватлашга жавобгар институтлар; бу соҳани техник таъминотига жавобгар институтлар (давлат қўмиталари, давлат ва хусусий телерадиокомпаниялар, оммавий матбуот агентлиги, нашриётлар ва ҳ.к.
	КОНЦЕПТ –.	лотин тилидаги концептус «тушунча» сўзининг калкасидир. Рус тилшунослигида концепт тушунчаси XX асрнинг биринчи чорагида файласуф С. Асколдов томонидан илмий муомалага киритилади. Ушбу термин тилшуносликда ўтган асрнинг 80-йилларига қадар тушунча сўзига синоним сифатида ишлатилган бўлса, бугунги кунга келиб унинг изоҳи тушунча терминига нисбатан кенгайганини кўриш мумкин. Концепт икки томонли хусусиятга эгадир. Бир 121 томондан, маданият концепт кўринишида инсоннинг ментал дунёсига кирса, бошқа томондан, инсон концепт ёрдамида маданиятга киради ва баъзан унга таъсир кўрсатади
	ЛИНГВОКУЛТУРОЛОГИЯ (лот. лингуа «тил»; султус «хурмат қилиш, таъзим қилиш»; юнон. «илм, фан») –	маданиятшунослик ва тилшунослик кесишган нуқтада шаклланган тил тадқиқининг янги соҳаси. Лингвокултурология маданият ва тилнинг ўзаро алоқасини, ўзаро таъсирини, тилда ўз аксини топган халқ маданиятининг кўринишларини тадқиқ этади. Лингвокултурология

		<p>тилшуносликнинг мустақил йўналиши сифатида XX асрнинг 90-йилларида вужудга келган. Лингвокультурология этнолингвистика, социоллингвистика лингвомамлакатшунослик ва этнопсихоллингвистика билан чамбарчас алоқададир. Лингвокультурологиянинг объекти – маданият ва тилнинг ўзаро алоқаси, ўзаро таъсирини бир бутунликда тадқиқ қилишдир. Лингвокультурологиянинг предмети – маданиятда рамзий, образли, метафорик маъно касб этган ва натижалари инсон онгида умумлаштирилиб миф, афсона, фолклор ва диний дискурсларда, поетик ва прозаик бадиий матнларда, фразеологизмларда, метафораларда ва рамзларда акс этадиган тил бирликлари саналади</p>
	<p>ЛИСОНИЙ ШАХС –</p>	<p>объектив воқеликни ўз кўришига мувофиқ тасвирлаш ва маълум мақсадга эришиш учун муайян тилнинг тизимли воситаларидан фойдаланган ҳолда уларни матнларда акс эттириши нуктаи назаридан тавсифланган у ёки бу тил соҳибидир. Лисоний шахс – муайян билимлар ва тасаввурлар мажмуйига эга бўлган нутқий фаолиятни намоён қилувчи шахсдир</p>
	<p>ЛИНГВИСТИК ШОК –</p>	<p>она тили учун кулгили, ғалати ва одобдан ташқари ҳисобланган лисоний бирликлар қўлланилган хорижий нутқни эшитган инсоннинг ҳайратланиши, кулиши ёки хижолат бўлишидир</p>
	<p>МАДАНИЯТ –</p>	<p>муайян халққа хос бўлган борлиқдаги ҳаёт ва фаолият, шунингдек, инсонлар орасидаги</p>

		<p>ўзаро муносабат (урф-одатлар, расм-русумлар, мулоқот хусусиятлари) ва дунёни кўриш, тушуниш ва яратиш усуллари. «Маданият» тушунчаси муайян тарихий давр (антик маданият), конкрет жамият, элат ва миллат (ўзбек маданияти), шунингдек, инсон фаолияти ёки турмушининг ўзига хос соҳалари (масалан, меҳнат маданияти, бадий маданият, турмуш маданияти)ни изоҳлаш учун қўлланилади. Тор маънода «маданият» термини кишиларнинг фақат маънавий ҳаёти соҳасига нисбатан ишлатилади. Маданият – меъёрлар, қадриятлар, идеаллар, намуналарнинг йўл-йўриқлари ва кўрсатмалари тизимига асосланган субъектлар фаолиятининг барча шакллари мажмуи, у бошқа маданиятлар билан ўзаро алоқада яшайдиган жамоанинг мерос қилиб олган хотираси</p>
	<p>МАДАНИЯТГА МОСЛАШИШ –</p>	<p>маданиятларнинг ўзаро таъсир жараёни бўлиб, у бирон бир халқ ёки бирон бир халқ вакили томонидан бошқа халқ маданиятининг тўлиқ ёки қисман қабул қилинишини ифодалайди. Маданий мослашиш бошланғич, кўникиш, мослашув, осойишталик, уйга кетиш арафасидаги мослашув ва сўнгги босқичларга ажралади</p>
	<p>МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТ –</p>	<p>турли маданият вакиллари орасидаги ўзаро алоқа, мулоқот бўлиб, унда кишилар ўртасидаги билвосита алоқа, шунингдек, коммуникациянинг билвосита шакли (тил, нутқ, ёзув, электрон муоқот) назарда 122 тутилади. Баъзан маданиятлараро мулоқот</p>

		«маданиятлар кесишуви» («кросскултурал)ни ҳам ифодалайди. Маданиятлараро мулоқот – муайян маданият ва тил соҳибларининг ўзга маданият ва тил вакиллари билан вербал (нутқли) ва новербал (нутқсиз) мулоқот воситасидаги ўзаро алоқа жараёнидир. Бундай мулоқотнинг ҳар бир иштирокчиси ўзининг шахсийқоидалари тизимига эга бўлади
	МАДАНИЯТ ТИЛИ –	мавжуд бўлган ёки қайтадан ҳосил бўлган тасаввурлар, тушунчалар, образлар ва бошқа маъновий конструкциялар тузилишининг белгилар ва уларнинг муносабатлари тизими воситасида шаклланиши
	МАДАНИЙ САВОДХОНЛИК –	“жамоавий ҳамкорлик руҳи» ни яратиш бўлиб, у бизни дунёни билиш ҳамда мулоқотнинг стандарт воситасига эгалик қилишимизга ва шу тариқа замон ва маконга кўра ёзма ва оғзаки мураккаб ахборотларни қабул қилиш ва узатишимизга имкон беради. Бироқ маданий саводхонлик фақат маданий ўзига хос ахборотгина бўлиб қолмай, балки борлиқ ҳақидаги яхлит ахборот ҳамдир. Маданий саводхонлик – жорий маданий ахборотни доимий тўлдириб боришни талаб қиладиган маданиятлараро қобилиятнинг динамик компоненти
	МАДАНИЙ ШОК –	маданиятлараро тўқнашувларнинг кўринишларидан бири бўлиб, у хорижий тилни ўрганувчининг ажабланиш, ҳайрон бўлиш ёки тили ўрганилаётган маданият омилларининг қабул қилмаслик ҳолатини ифодалайди. Маданий шок тил ўрганувчининг

		маданиятга нотўлиқ мослашуви ёки у учун янги бўлган маданият меъёрларини билмаслиги, тушунмаслигидир
	МЕНТАЛИТЕТ (нем. менталитт < лот. менс, ментис – ақл, идрок) –	жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маданий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитлардаги ақлий қобилияти, руҳий қуввати. Менталитет – халқ менталлигини, унинг ақлий ва руҳий қувватининг ички тузилишини ва дифференциясини акс эттирадиган категория. Менталитетлар турли масштаблардаги лингвомаданий жамоаларнинг психолингвоинтеллектларини намоён қилади. Жамият, миллат ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос анъаналари, расм-русмлари, урф-одатлари, диний эътиқод ва иримларини ҳам қамраб олади
	МЕТАФОРА. (юн. метапҳора - кўчириш) –	ҳосила маъно юзага келиши, у бирон предмет номини бошқа предметга ўхшашлигини эътиборга олиб кўчиришдир. Метафора – ўхшатишнинг қисқарган шакли. Метафора нафақат қисқарган ўхшатиш, шу билан бирга, қисқарган қарама-қаршилик ҳамдир. Метафора тилдаги универсал ҳодиса бўлиб, унинг универсаллиги маконда ва замонда, тил структурасида ҳамда унинг вазифаларида намоён бўлади. Метафора ўзида фундаментал маданий қадриятларни акс эттиради
	МИЛЛИЙ ХАРАКТЕР –	у ёки бу миллат вакилига оид бўлган ўзига хос жисмоний ва маънавий хусусиятлар мажмуи, хулқ-атвор ва фаолият меъеридир.



		<p>123 Миллий характер халқнинг дини, сиёсати, урф-одатлари, ижтимоий қатлами, турмуш тарзи, тарихи ва ҳатто географик ўрни билан ҳам чамбарчас боғлиқ</p>
	<p>МОНОХРОН МОДЕЛ –</p>	<p>маданиятлар типологиясининг вақтга бўлган ўлчовларидан бири. Унда вақт инсон учун кесимларга ажралган йўл сифатида образли гавдаланади. Вақтнинг бундай қисмларга бўлининши туфайли ушбу маданиятдаги инсон вақтни муайян даржада бошқариш мумкин деб ўйлайди: у фақат бир иш билан шуғулланади, шунингдек, вақтни иш учун ва хиссий алоқалар учун тақсимлайди. Монохрон маданиятларда 10-15 дақиқага кеч қолиш мумкин, бироқ бундай ҳолатларда кечирим сўраш керак бўлади</p>
	<p>НОВЕРБАЛ КОММУНИКАЦИЯ –</p>	<p>новербал воситалар ёрдамида амалга ошириладиган мулоқот. Новербал воситалар деганда жестлар (тана, қўл ҳаракатлари), имо-ишоралар (мимика), тегиш (қўл тегизиш, қучоқлаш, силаш, ўпиш ва ҳ.к.), тана ҳолати, кишилар орасидаги масофа кабилар тушунилади. Новербал (сўзсиз, нутқсиз) коммуникация мулоқот қилаётган индивидларнинг бирбирига ўзаро таъсири ва эмоционал ҳолати ҳақида сигнал берувчи мулоқот шаклидир. Новербал коммуникация кишилар ўртасидаги новербал хабарлар алмашинуви ва уларнинг талқинини билдиради. Ҳар бир маданият борлиқни ўзига хос белгилар ва рамзлар ёрдамида акс эттиргани учун ҳам новербал мулоқот юзага чиқади.</p>

	НУТҚ ЭТИКЕТИ –	инсонларнинг расмий ва норасмий вазиятлардаги ўзаро мулоқотида уларнинг ижтимоий ва психологик ролига мос равишда амал қилинадиган ижтимоий ва маданий ўзига хос нутқий муомала қоидалари. Нутқ этикети – бу «ижтимоий силлиқланган» хууд, мулоқотнинг миллий-маданий компоненти
	НУТҚИЙ ХУЛҚ-АТВОР –	коммуникатив вазият иштирокчилари, яъни сўзловчи ёки тингловчининг нутқи ёки нутқий реакциясини кўрсатувчи ўзига хос хусусиятлар
	ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯ –	матбуот, радио, телевидение каналлари воситасида амалга оширилади. Унда юборувчи бир коммуникант ҳамда олувчи омма бўлади
	РАМЗ –	ташқи дунёнинг турли маданият вакиллари ички дунёси, онги, тафаккури ва руҳидаги акси. Рамз белги бўлиб, унинг дастлабки маъносидан бошқа маъно учун шакл сифатида фойдаланилади. Агарда оддий белги инсонга 124 маъноларнинг предметлар оламига кириш имкониятини берса, рамз маъновий муносабатларнинг предметлар мавжуд бўлмаган оламига кириш имкониятини беради. Рамз инсоннинг англаб бўлмайдиган ботиний томонига мурожаат қилади. Рамзни ўз предмети билан алоқасини йўқотган маъно сифатида тасаввур қилиш мумкин. Ижтимоий мулоқот тизимида муайян объектлар, масалан, предмет, ҳаракат, ҳодиса, матн, тасвир, ҳайвон, ўсимлик, ранг, рақам ва ҳ.к. рамз бўлиб хизмат қилади. Рамзлар

		<p>моддий (буюм, предмет), тушунчавий, сўзли, тасвирий ва овозли бўлиши мумкин</p>
	<p>СОЦИОЛИНГВИСТИКА –</p>	<p>тилшуносликнинг тилни ва унинг мавжуд бўлган ижтимоий шароитлар билан боғлиқлигини ўрганадиган соҳаси. Ижтимоий шароитлар деганда, амалдаги тил ривожланаётган ташқи шарт-шароитлар мажмуи: мазкур тилдан фойдаланаётган кишилар жамияти, бу жамиятнинг ижтимоий структураси, тил эгаларининг ёши, ижтимоий мавқеи, маданият ва билим даражаси, яшаш жойи орасидаги фарқлари, шунингдек, уларнинг мулоқот вазиятига боғлиқ нутқий муомаласидаги фарқлар тушунилади. Демак, социоллингвистика тилнинг жамият ҳаётидаги роли, унинг ижтимоий табиати, ижтимоий функциялари, ижтимоий омилларнинг тилга бўлган таъсир механизми билан боғлиқ масалаларни ўрганадиган тилшунослик соҳасидир</p>
	<p>СТЕРЕОТИП –</p>	<p>муайян гуруҳ ёки жамоанинг содалашган, схемалашган, эмотсионал бўёқдор ва фавқулодда барқарор бўлган образи, турли маданият вакилларининг тили ва тафаккурининг ўзига хослиги. Ҳар қандай шахс муайян маданиятлар билан боғланган стереотиплар оламида яшайди. Стереотиплар ижтимоий стереотиплар, мулоқот стереотиплари, ментал стереотиплар, маданий стереотиплар, этномаданий стереотиплар ва ҳ.к. га ажратилади. Масалан, ижтимоий</p>

		<p>стереотиплар шахснинг тафаккури ва муомаласини кўрсатади. Этномаданий стереотиплар бирон бир халққа хос бўлган умумий хусусиятларни ифодалайди. Масалан, ўзбеклар меҳмондўстлиги, руслар таваккалчилиги, қozoқлар қайсарлиги, турклар хиссиётлилиги, хитойликлар сертакаллуфлиги, японлар хушмуомалалиги, италянлар кизикқонлиги, эстонлар сусткашлиги, немислар тартибга аниқ риоя қилиши билан бутун халқ ҳақидаги стереотип тасаввурларни юзага чиқарган</p>
	СУБКОД –	<p>функционал даражаси ва ҳажми «код»дан кичик бўлган коммуникатив остизим, тилнинг тури. Масалан, ҳозирги ўзбек миллий тилининг субкодлари бу – адабий тил, ҳудудий диалектлар, ижтимоий жаргонлар, шаҳар (Тошкент) койнеси ҳисобланади</p>
	СУБМАДАНИЯТ –	<p>иккинчи даражали, тобе маданият тизими (масалан, ёшлар субмаданияти ва ҳ.к.)</p>
	ТАБУ –	<p>маданий, диний, ирим ёки нохушлик уйғотиши нуқтайи назаридан муайян хатти-ҳаракатлар ёки айрим сўзлар қўлланишини таъқиқлаш. Табу сўзи тонга тилидаги &lt; тапу &lt; та – «белгиламоқ», «ажратмоқ» ва пу – «бутунлай» 125 сўзларидан келиб чиққан бўлиб, «бутунлай ажратилган», «алоҳида белгиланган», яъни «ман этмоқ, тақиқламоқ» маъносини англатади</p>
	ТАМАДДУН («цивилизация»< лот. сивилис – фуқаро)	<p>термин XVII асрда вужудга келган. Ҳар бир маданиятнинг ўлими бўлган ўз тамаддуни мавжуд. Тамаддун ҳар қандай</p>

		<p>ижтимоий-маданий дунё ривожланишининг охирги босқичидир. Маданият миллий, тамаддун халқародир. Инглиз-америка анъаналарида ҳар қандай алоҳида ижтимоий-маданий дунё сивилizatсиядир. Маданият янгини яратади, тамаддун фақат маълум нарсани тарқатади</p>
	ТАНҚИДИЙ ЁНДАШУВ –	<p>шахс ва коммуникацияни ўрганишдаги назариялардан бири. Бу ёндашув тарафдорлари, аввало, коммуникациянинг тарихий вазияти билан қизиқишади. Мазкур нуқтаи назарга кўра, маданият жанг майдони сифатида талқин этилди. Яъни, маданий ҳодисаларнинг кўплаб изоҳ ва талқинлари бир жойга йиғилади, ҳар доим маданий фарқларни белгиловчи ва унинг характерини тушунтирувчи ҳукмрон куч мавжуд бўлади. Танқидий ёндашув тарафдорларининг фикрича, маданий вазиятлардаги ҳукмрон кучларни тадқиқ этиш ва тасвирлаш кишиларни қарши тура олишга ва бошқа маданият вакиллари билан янада самаралироқ мулоқотни йўлга қўйишга ўргатади</p>
	ТАСВИРИЙ РАМЗЛАР	<p>бирон бир белги, аломат, кўриниш ёки тасвири ифодаловчи тимсоллардир. Турли тасвирлар, оддий ва мураккаб геометрик фигуралар, осмон жисмлари, иероглифлар, ҳарфлар, ҳатто тиниш белгилари тасвирий рамзларни ифодалашга хизмат қилади</p>
	ТИЛ –	<p>кишилар оқимини халққа айлантирадиган, мазкур нутқ жамоасининг ўзини ўзи англаши, маданияти, анъаналарини сақлаши ва уларни мерос қилиши</p>

		орқали миллатни шакллантирадиган кучли ижтимоий воситадир. Тил – маданиятнинг кўзгуси бўлиб, унда нафақат инсонни ўраб олган реал борлиқ, унинг реал яшаш шароитлари, балки халқнинг ижтимоий ўзини ўзи англаши, унинг менталитети, миллий характери, ҳаёт тарзи, анъаналари, урф-одатлари, ахлоқи, қадриятлар йиғиндиси ва дунёқараши ҳам акс этади
	ВЕРБАЛ КОММУНИКАЦИЯ –	(лот. вербалис – оғзаки ва лот. коммунисатио – мулоқот) вербал воситалар ёрдамида амалга ошириладиган, сўзли, нутқ иштирокидаги мулоқотдир. Вербал воситаларга инсоният табиий тилларининг турли белгилари (уларнинг оғзаки ва ёзма шакллари) киради
	ВИРТУАЛ КОММУНИКАЦИЯ –	компьютер ва коммуникация технологияларига асосланадиган мулоқот тури. Шахслараро, гуруҳлараро, оммавий бўлиши мумкин
	ЁШ ХУСУСИЯТЛАРИ –	кишининг ёшига мувофиқ қарашлари, хатти-ҳаракатлари ҳамда ўзини қандай тутишини маданий-меъёрий қоидаларга кўра аниқланиши
	ШАХСЛАРАРО КОММУНИКАЦИЯ –	икки ёки андан ортиқ шахслар иштирок этадиган мулоқот. Вербал ва новербал шаклларга эга бўлиши мумкин

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: «Ўзбекистон», 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: «Ўзбекистон», 2020. – 400 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь «Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4732-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 4947-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5544-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5729-сон Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь «2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4358-сонли қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август «Олий

таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ-5789-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6097-сонли [Фармони](#).

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4680-сонли қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 797-сонли қарори.

### Ш. Махсус адабиётлар

20. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

21. Гулобод Қудратуллоҳ кизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази» нашриёти, 2019. 312 б.

22. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е.Ибраймов. – Тошкент: «Lesson press», 2020. 112 бет.

23. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va technology», 2014. 60 б.

24. Муслимов Н.Ава бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: «Sano-standart», 2015. – 208 б.

25. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова ; М-во образования и науки РФ ; Нижнетагил. технол. ин-т (фил.). – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. [http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0\\_2017.pdf](http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf)

26. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. [https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3\\_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf](https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf)

27. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. Книга 16 / О.К. Асекретов, Б.А. Борисов, Н.Ю. Бу-гакова и др. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с. <http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>

28. [Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртлирида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқувқўлланма. Т.: «Tafakkur» нашриёти, 2020 й. 120 бет.](#) English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.

29. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.

30. Lindsay Clandfield and Kate Pickering «Global», B2, Macmillan. 2013. 175.

31. Steve Taylor «Destination» Vocabulary and grammar», Macmillan 2010.



32. David Spencer «Gateway», Students book, Macmillan 2012.
33. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER», B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
34. H.Q. Mitchell «Traveller» B1, B2, MM Publications. 2015. 183
35. David L.Chiesa (Ed), U.Azizov, S.Xan, K.Nazamutdinova, K.Tangirova. Re-conceptualizing Language Teaching: An-In-service Teacher Education course in Uzbekistan. Baktria Press 2019. ISBN 978-9943-5809-9-2. 205.
36. 윤후정«외국인을위한한국어 2»이화여자대학교출판사 2012, 167 P.
37. 이수열«우리말바로쓰기»현암사 2010. 493 P.
38. 이진호«한국어의표준발음과현실발음»아카넷 2012. 613 P.
39. 민혁식, 조항록, 유석훈, 최은규«한국어교육론 1»한국문화사 2015. 553 P.
40. 강현화, 이현정, 남신혜, 정채린, 홍연정, 김강희«한국어교육문법»한글파크 2016. 643 P.
41. 김경성, 엄우섭«한국초등교육»서울교육대학교초등교육연구원 2017. 397 P.
42. 김정순, 박동호, 이병규, 이해영, 정희정, 최정순, 허용«한국어문법커뮤니케이션북스». 2015. 570 P.

#### **IV. Интернет сайтлар**

43. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
44. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
45. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
46. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet
47. <http://natlib.uz>–Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
48. [www.britishcouncil.org](http://www.britishcouncil.org) –Британия кенгаши веб сайти
49. [www.bonjourdefrance.com](http://www.bonjourdefrance.com) – Тил ўрганиш веб сайти
50. [www.edu365.cat](http://www.edu365.cat) – Тил ўрганиш веб сайти
51. <http://www.duplaisiralire.com/>–тил ўрганиш веб сайти
52. <http://www.polarfle.com> –тил ўрганиш веб сайти
53. [tsuos.uz](http://tsuos.uz) – Тошкент давлат шарқшунослик университети веб сайти